

HUQUQ

14

(380)

YURIDIK GAZETA


April

D.	4	11	18	25
S.	5	12	19	26
Ch.	6	13	20	27
P.	7	14	21	28
J.	1	8	15	22
Sh.	2	9	16	23
Y.	3	10	17	24

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: info@huquq.uz



9 апрел — Буюк аждодимиз соҳибқирон Амир Темур таваллуд тоған кун. Уз даврида марказлашган давлат барпо этган, башиарият тараққиётига муҳим ҳисса қўшган ушбу шахс ҳақида кўплаб рисоалар, китоблар, илмий мақолалар чоп этилган. Атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг илмий бадиаси ҳам Темур шахсига оид янгича ёндашувда яратилган бўлиб, бу асар нуфузли тарихий манбаларга асосланган ҳолда юқорида айтилган масаланинг моҳиятини баҳол қилиб кўришга қаратилган. Ушбу бадиани «Фонд ҳитоясида» журналининг 2-ва ундан кейинги сонларида ўқишингиз мумкин.



RESPUBLIKA BOSH PROKURATURASIDA

БОШ МАҚСАД — ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ

Ўтган ҳафтада Республика Бosh прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан биргаликда «Инсон ҳуқуқларининг ҳимояси — прокуратура органларининг устувор йўналиши» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

«Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрири ва Республика Бosh прокурорининг бу масаладаги буйруғи қабул қилингандан буён прокуратура органлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан муайян тадбирларни амалга ошириб келмоқдалар. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга қаратилган қонунлар ижроси бўйича текширишлар сифати ортиб, самарадорлиги яхшиланди. Айниқса, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳимоясига алоҳида эътибор берилиб, эндиликда улар қораловчи ва жазоловчи органнинг эмас, балки фуқаро ва давлат манфатларининг ифодачиси сифатида майдонга чиқмоқдалар.

Семинарда Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директорининг ўринбосари А.Исмоилов, Тошкент Давлат юридик институти олимлари қатнашиб, инсон, шахс ва фуқаро ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муҳофазасининг ҳуқуқий ва конституциявий асослари тўғрисида атрафлича фикр юритдилар.

Ўз муҳбиримиз. А.ТўРАЕВ олган сурат

2005 YIL — SIHAT-SALOMATLIK YILI



ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Жисмонан соғлом, маънан баркамол миллат улкан бунёдкорлик ишларига қодир. Президентимиз ташаббуси билан 2005 йилнинг «Сиҳат-саломатлик йили» деб номланишининг моҳиятида ҳам мана шу ғоя мужассам. Бугун мамлакатимизда турли даражадаги спорт-соғломлаштириш тадбирларининг ўтказилиб турилиши яхши анъанага айланиб улгурди.

Миллий қадриятимиз бўлган Наврўз байрами шуқуҳи юртимизда давом этаётган бир пайтда Тошкент шаҳар прокуратурасида ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. 2 апрел куни Наврўз айёмини нишонлаш учун йиғилган пойтахт прокуратураси жамоаси ва фахрийлари спорт майдончасининг очилиши ва шахмат бўйича прокурор-тергов ходимлари ўртасидаги мусобақа ғолибларини тақдирлаш маросимининг гувоҳи бўлишди.

Республика Бosh прокурорининг «Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан прокуратура органларида амалга ошириладиган тадбирлар дастури

ҳақида»ги фармойишига асосан Тошкент шаҳар прокуратураси органларида ҳам спорт-соғломлаштириш тадбирларини мунтазам ўтказиб бориш режаси ишлаб чиқилган эди. Шунингдек, Бosh прокуратура томонидан тасдиқланган «Шахмат бўйича республика прокуратураси органлари ўртасида мусобақа ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низом талабларидан келиб чиққан ҳолда шаҳар прокуратураси тезкор ходимлари ўртасида шахмат мусобақаси ўтказилди. Мусобақа ғолиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Биламизки, соғлом турмуш тарзини рағбатлантириб бориш жамият тараққиётига улуш қўшувчи муҳим омиллардан саналади. Шу маънода, прокуратура органларида соғлом турмуш тарзининг кенг тарғиб қилиниши, спорт ва жисмоний тарбияга эътибор кучайиб бораётгани фаолиятдаги ютуқлардан дарак беради.

Шавкат ЁДГОРОВ,
«НУҚУҚ» муҳбири

Республика Бosh прокуратураси матбуот маркази хабар қилади

Тошкент-Шўрчи йўналиши бўйлаб ҳаракатланиб бораётган 19 AD 796 давлат белгилли автомашина юқонаси кўздан кечирилганда, кўмир тағида 3120 донга бир ярим литр ҳажмдаги олим идишларда спирт маҳсулотлари борлиги маълум бўлди. Мазкур ҳолат юзасидан вилоят ИИБ ТБ терговчиси М. Ашуров томонидан фуқаро М. Алиева ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Лекин Жиноят иши бўйича вилоят ИИБ ТБ терговчиси мансаб суимстеъмолчилигига йўл қўйди. У ўзининг жавобгарлигига қабул қилиб олган 603 донга бир ярим литр ҳажмдаги 1.519.895 сўмлик спирт маҳсулотларини ўзининг шахсий манфаатлари йўлида ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилганлиги аниқланди.

Сурхондарё вилоят ИИБ ТБ собиқ терговчиси М. Ашуровга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

«Чинобод» нефт базаси маъсул ходимлари истеъмолчиларга ҳарорати юқори бўлган, паст зичликдаги, кам вазили автобензинларни тарқатиб, тарқатилган автобензин маҳсулотларидан вазили уриб қолмиш натижасида сизимларда 500 тоннадан зиёд ошқича бензин ҳосил қилиб келишган. Тергов натижасига кўра, ушбу нефт базаси ходимлари томонидан 2 млн. 107 минг кг. вазндаги, 512 млн. 120 минг сўмлик автобензин маҳсулотлари талон-тарож қилинганлиги аниқланди. База директори А. Исломов раҳбарлигидаги уюшган гуруҳнинг 13 нафар аъзолари ЖКнинг тегишли моддалари билан айбандилар.

Жиззах вилоти «Маҳаллий саноат» акциядорлик компаниясига қарашли «Восточная мануфактура» қўшма корхонаси ва «Бекзод-К» хусусий фирмаси раҳбарлари Ф. Рўзиев ва А. Гигеновлар бошчилигидаги жиной гуруҳ Зарбдор ва Қўйичириқ туманларидаги пахта тозалаш корхоналаридан 1-2 навли юқори сифатли пахта толаларини ноқонуний олишганлиги фош этилди. Гуруҳ аъзолари харид қилинган юқори сифатли пахта толаларини 4-5 навли пахта толаси тарикасида расмийлаштириб, четга сотишган. Бошқа корхоналарда ҳам шу каби жиноятлар содир этилаётган бўлиши мумкинлиги таҳмин қилиниб текширилганда, ана бир қатор қонунбузарликлар аниқланди. Айрим вилотларда четга ноқонуний сотиш учун вагонларда тайёрлаб қўйилган, умумий суммаси 1 млн. 300 минг АКШ долларига тенг бўлган 1311 тонна юқори навли пахта толаси тўхтаб қолди.

СВОЖЖК ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

КОНТРАБАНДА товарларнинг кириб келиши ва сотилиши юзасидан ўтказилган тадбирда Зангиота туманидаги «Mary boks» масъулияти чекланган жамиятга қаршли савдо шахобчасида жамият раҳбари А.Бектаев дўкон сотувчиси Г.Гренкова билан келишган ҳолда, чет элда ишлаб чиқарилган, ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган 2954 хилдаги 62 млн. 521 минг 419 сўмлик канцелария маҳсулотларини ноқонуний равишда сотаётганлиги аниқланди.

«ХАЛҚ БАНКИ»нинг Пахтакор туман бўлимида ўтказилган текширишда филиалнинг собиқ бошқарувчиси Н.Қурбоналиев банк миջозларининг розилиғисиз 899 минг сўмини бошқа хўжалик иритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиб юборганлиги аниқланди. Шунингдек, филиал бошқарувчиси Б.Аҳмедов ва собиқ бош хисобчи А.Равшановлар «Куса» ФХИнинг ҳисоб рақамига келиб тушган 838 минг сўм пулни ноқонуний равишда «Акмал Икромов» пахта тозалаш корхонасига ўтказиб, бу пуллари гўё хўжаликка қўлланилган жарима ҳисобга ўтказилгандек қилиб расмийлаштиришган. Аслида фермер хўжалигига ҳеч қандай жарима қўлланилмаган, «Акмал Икромов» пахта тозалаш корхонаси эса 1 млн. 884,6 минг сўм қарздор экан.

БОҒДОД туманидаги «Стройсервис» КТХФ раҳбари Д.Рожиев 2003-2005 йилларда ДСИга топширган ҳисоботларида товар айланмасини 110 млн. 083,6 минг сўмга қамайтириб кўрсатиб, бюджетга тўланаши лозим бўлган 16 млн. 727,5 минг сўмлик мажбурий тўловларни тўламай келаётгани маълум бўлди. Аниқланишича, Боғдод туман ҳокимлигининг мансабдор шахслари томонидан низом жамгармаси, оғборхона ва моддий-техника базасига эга бўлмаган «Стройсервис» КТХФга қалбаки ҳужжатлар асосида улгурчи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун махсус руҳсатнома бериб юборилган экан.

ФИЖДУВОН туманида ўтказилган тадбирда ноқонуний валюта савдоси билан шуғулланаётган Е.Фимущини 2300 АКШ долларини фуқаро Н.Сайфиевга 2 млн. 465,6 сўмга сотаётганида ушланиб, валюталар далилий ашё сифатида олинган.

«ХАМКОРБАНК»нинг Андижон вилоят бошқармаси мансабдор шахслари 2002-2004 йиллар давомида давлатга тўланаши лозим бўлган 1 млрд. 632 млн. 492 минг сўмлик солиқларни тўламаганлар.

«ИМОМИДДИН» хусусий фирмаси раҳбари М.Гапбаров ва Н.Иргашевалар 2002-2004 йиллар давомида 58 млн. 711 минг сўмлик товар айланмасини амалга оширишда 10, лекин бу фаолият юзасидан ДСИга ҳисобот топширишни унутишди. Натихада давлат бюджетига тўланаши лозим бўлган 2 млн. 514 минг сўмлик солиқ ва мажбурий тўловлар тўланмай қолди. Шунингдек, «Миллий банкнинг Каттакўрғон филиали бошқарувчиси К.Ибрагимов ва «Фарзона» ХФ раҳбари А.Рўзмуродовлар ўзаро келишиб, фирма номига олинган 22 млн. 400 минг сўмлик кредит маблағини ўлаштиришган. Бундан ташқари «Имомиддин» ХФга ушбу банк филиалидан 26 млн. сўмлик кредит маблағлари берилиб, бу пулллар «Фарзона» ХФнинг қарздорлигини қоплашга ўтказилган экан.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан ЖИнинг тегшли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилган.

QING'IR ISHNING QIYIG'I

Дарҳақиқат кейинги даврда уй-жой фондидан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш тизими бозор иқтисодиёти тизимларида мос равишда муҳим ислохотлар асосида шаклланимоқда. Мазкур соҳанинг ўзига хос қонунийлик ва меъёрий-ҳуқуқий базаси мавжуд.

Афсуски, айрим «Уй-жой мулкдорлари» ширкатлари фаолиятига ижобий баҳо бериш қийин. Бунга ширкат раҳбарлари томонидан ишнинг яхши ташкил қилинмаганлиги, ўз вазифаларига панжа орасидан қараб келаётгани сабаб бўлмоқда.

Қўшқўпир туманидаги «Мустақиллик» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Сатторберган Шомуротов ҳам айнан шундай кишилар тоифасидан чиқди. У 2000 йилдан буён ушбу лавозимда ишлаётган эди. Кейинги пайтда унинг юрагига шайтон оралади. Кўнглида турли хил шумлиқлар туғилар ва ширкатнинг бош хисобчиси Шавкат Абдуллаевни ҳам ўзининг гирромлиқларига шерик қилишга даъват қилишди.

Дарвоқе, 2004 йил 1 январ ҳолатига уй-жой мулкдорлари ширкати-нинг мuddати ўтган дебиторлик қарзи 9.404.500 сўмини ташкил қиларди. Жумладан аҳолидан коммунал хизматлар учун ундирилган пул маблағи 4.624.500, «Урганчтехбаза» корхонасидан 4.780.000 сўмдан иборат қарзи мавжуд бўла туриб, олма пиш, оғзимга туш қабилда иш қўриб келишган.

Муқимий домла ўзининг машҳур «Танобчилар» асариди «Хўжа — чироқ ёғи-ю, Ҳакимжон — пилик» дея таъриф беради фикри-зикири бир бўлган ҳамтовосқларга. С. Шомуротов билан Ш.Абдуллаевга ҳам айнан шундай таъриф берсақ, янгилишмай-миз. Чунки шахслар шуқадар лоқайд-

лик ва боқибегамликка берилдики, пировардиди идорада қонунбузилиш ҳолатлари урчий бошлади. Қарзларни ундиришни пайсалга солган бир ёну, уларнинг тегшли маҳамаларга тақдим қилган ҳисоботлардаги кўрсаткичларни қалбақлаштириб кўрсатганилари бир ён бўлиб, ҳар бири ҳақида узоқ сўзлаш мумкин.

Сатторберган Шомуротов кўнларнинг бирда бош хисобчи Шавкат Абдуллаевга сўз қотди:

— Ога, ўзингизга маълумки, туманимизда уй-жойнинг бир квадрат метрига коммунал хизмат кўрсатишнинг ўртача таъриф баҳоси 15 сўм 48 тиийн қилиб белгиланган. Лекин бизга қарашли 340 та хонадоннинг ҳаммасидан ҳам тўловларни юз фоиз ундириб олганимизча йўқ.

— Хўш, мuddаога кўчақолинг, ёшулар! — муғамбирона жилмайти Ш.Абдуллаев.

— 2003 йилнинг ҳисоботида 340 та хонадондан жами 1.527.900 сўм ундирилди, деб қайд қилиб қўяқолинг! — деди ширкат раиси.

— Ахир бундай қилсақ, 3.123.600 сўмини кам кўрсатган саналамиз-ку?! — дея эътироз билдирмоқчи бўлди бош хисобчи. Ёшулли жаноблари «Бу ёғи бир гап бўлар!» деганича бош хисобчига ҳисоботни тайёрлашга ижозат берди.

Бемаза қовуннинг уруғи кўп бўлар

дини 2.464.600 сўмга орқичқа қўрсатиб, «супраси қуруқликдан, оти улугликка» ўтмоқчи бўлганлар. Аслида аҳолидан ҳеч қандай тушуллар мавжуд бўлмаса-да, 1.796.600 сўмини ундирилган дея ҳисоботга сохта маълумот киритилган.

Эҳ-хе, мазкур идорада содир

ШИРКАТДАГИ ҚИНҒИРЛИКЛАР

деганларидек, С.Шомуротов ва Ш.Абдуллаевларнинг қинғир ишлари фақат булардан иборат эмас эди. Ҳуқуқматимиз томонидан тасдиқланган мавжуд меъёрий ҳужжатларда кўрсатилганидек, турар жойнинг умумий фойдаланадиган қисмига техник коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича намунавий шартнома тузиш лозим аслида. Холбуки 2002-2003 ва 2004 йилларнинг прокуратура ҳодимлари томонидан текшириш олиб берилган кўнига қадар (18 феврал 2004 йил) 340 та хонадоннинг бирортаси билан бундай шартнома тузилмаган. Натихада 4.624.500 сўм бадал пулини ундириш имконияти олиб берилган. Устига устак туман статистика бўлимига ширкатнинг 2003 йилги даромади 27.046.600 сўм, аҳоли тўлаган пуллари 1.796.600 сўм деб ҳисобот берилганига ажабланисан киши.

Ҳақиқатда эса идоранинг бухгалтерия ҳисоб-китобдафарида қайд этилган даромади бор-йўли 240.000 сўмини ташкил қилар эди. Қаранга-а, бу икковлон ҳамтовосқлар ширкат дарома-

қилинган яна қай бир «қинғир ишнинг қийми» дан гапирайлик?! Ишчиларга йиллаб ойлик иш ҳақининг берилмай келинганлигини айтилайликми?! Ёхуд...

«Ҳар не айтар сўзинг бўлса, мухтасар қил!» деган экан Мирзо Бобур. Биз ҳам шу ақдого амал қилган ҳолда С.Шомуротов ва Ш.Абдуллаевларнинг «минг бир макр»ларини узоқ сўйлашдан ўзимизни тийдик. Гапнинг индоллосини айтадиган бўлсақ, уларнинг ноқонуний ҳарақатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ўз вақтида аниқланиб, қилмишига яраша жазага тортилиши.

Агар улар боқибегамликка берилмай, ўз ваколатларидан тўғри фойдаланганда эди, балки буғун қора курсида ўтирмаган бўлишарди. Зеро донишмандлар айтиганидек, «Ақлсизнинг жони мудом озорда!»

Рустам КАРИМОВ,
Қўшқўпир туман прокурори,
Эрнўлат БАХТ,
«Huquq» мухбири

НОҚОНУНИЙ FAOLIYAT

СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТ УМР ЗАВОЛИ

Ғиждувон туман «Сармижон» йўл-патрул хизмати постиди Тошкент — Урганч йўналиши бўйича келаётган 22 J 93-50 номерли «Мерседес-Бенц» автобусининг юқхонаси кўздан кечирилганда бир ярим литрли 57 та идишда спиртли ичимликлар борлиги, улар ҳоразмлик Р.Қурбонов ва М.Бобоқховага тегшли экани аниқланди.

Қарор иқросини таъминлаш мақсадида Бухоро вилоят прокуратурасида 2004 йил 23 июл кўни прокуратура ҳузурдаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси, Миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар ҳамда бошхона бошқармалари билан ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилди. Бу борада қилинаётган ишларни таҳлил қилиб бориш йўлга қўйилди.

Текширишда қарор иқросини таъминлаш бўйича бир қатор қонунбузилиш ҳоллари ҳам аниқланди. Ғиждувон деҳқон бозориди чет элда ишлаб чиқарилган спиртни сотишга шай бўлиб турган Ҳаётнинг Низомовдан 218.750 сўмлик 88,5 литр спирт, 2100 дона «Шохруд» ароғи этикеткаси, 1388 дона қоққоқ олиб қўйилди. Қонунбузарга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Афсуски, тириқчилик ваҳида қўлбола ароқ тай-

ёрлаб сотаётганлар, ҳеч қандай сифат сертификати бўлмаган маҳсулотни мамлакатимизга олиб ўтишга уринаётганлар ҳамон унраб турибди. Ваҳоланки, давлат стандартларига мос келмайдиган маҳсулотни истеъмол қилиш соғлиққа зиёнлигини улар яхши билишади.

2005 йил 1 январдан 27 февралга қадар 23 та ҳолатда ҳуқуқбузарлардан 2.391.020 сўмлик 1440 литр спирт ва алкоғолли ичимликлар олиб қўйилиб, жиноят ишлари қўзғатилди.

Алижон ҚИЛИЧЕВ,

Бухоро вилоят прокуратураси бўлим прокурори

BUZOQNING YUGURGANI SOMONXONAGASCHA

Тарихда ясама қанотлар билан самдога кўтарилмоқчи бўлган бандида гофиллар кўп учрайди. Уларнинг аксарияти ана шу хомхаёл кўрбонига айланган. Масалан, ўрта асрларда...

Нега энди биз мисолни мюзийдан қидиришимиз керак? Унақалар хозир ҳам учрайди. Тўғри Сохиба (исмлар ўзгартирилган) сохта қанот билан ўзини минорадан ташлагани йўқ, лекин у қалбаки диплом билан ана узоққа парвоз қилишни кўзлаган эди.

Йўқ, биз Сохибани ҳеч қаерда ўқимаган демокч эмасмиз, у 1987 йил Тошкент самдоқ техникумига ўқишга кириб, 1989 йилда битирган. Шундан сўнг Тошкент кийим-кечак базасига ишга кириб, бир неча йил ишлаган. Мазкур вақт оралғида унинг таниш-билишлари анча қўлайди. Фақат маошининг чўғи озор...

Сохиба танишларига яхшироқ иш топиб беришни илтимос қилди. Тез орада иш ҳам топилиди. Чилонзор туманидаги 496- боғчасига тарбиячи керак экан. «Ўзим савдо техникумининг тугатган бўлсам, қандай қилиб боғча-

СОХТА ДИПЛОМ СОҲИБАСИ

га тарбиячи бўлиб ишга кирсам экан» деб ўйланди Сохиба.

Шунда Собит тоғаси ёдига тушди. Бунақа ишлар унинг қўлидан келишига ишонарди.

Собит ака Сохибани кўриб хурсанд бўлди. Салом-аҳлиқдан сўнг камнамо жанглик учун жияниқойиб ҳам қўйди. Сохиба гапни чўзмай мuddаога кўчиб қўя қолди...

...Хуллас тоғанинг шарофати билан иш хамирдан қўл суғургандек осон битди. Кўнларнинг бириди тоға уни чақуриб, қўлига ярақлаган дипломини топширди. Сохиба дипломини очиб, кўз югуртирди: «Садриева Сохиба... Крупская номи Тошкент педагогика билим юрти... 1990-1993 йиллар... мактаб ёшигача болалар тарбиячиси... рўйхат рақами PT-1 376277». Қарабсизки, Сохибахон бир кунда педагогга айланди қўйди.

У шўбу диплом билан 1996 йилдан

2004 йил сентябргаича Чилонзор туманидаги 496-мактабга тарбия муассасасида тарбиячи бўлиб ишлади.

Қинғир ишнинг қийми қирқ йилдан кейин ҳам чиқайди дейишади. Сохиба «фаолият» ҳам саккиз йил деганда фош бўлди. Бироқ «тоға»нинг вафоти туфайли сохта диплом қайси йўл билан олинганлигини аниқлашнинг иложи бўлмади...

Сурштирув жараёнида Крупская номи Тошкент педагогика билим юртидан PT-1 376277 диплом ҳеч қачон, ҳеч қимга берилмагани, бунақа рақам архивда ҳам йўқлиги аниқланди.

Қалбаки диплом сохибаси қилмишига яраша жазо олди.

Ирода МУҲАМЕДОВА,
Чилонзор туман прокурори
ёрдамчиси

GIYOHVANDLIK — ILLAT

ЭШИК ҚОҚМАГАН «МЕҲМОН»ЛАР

Халқимизда «Бировнинг уйига борсанг, эшигини тақиллатиб кир» деган ҳикматли гап бор. Бу гап бежизга айтилмаган, албатта. Бунинг замирида кишиларнинг бир-бирига бўлган ҳурмати ётади. Аммо, ватанимиз ҳудудига кириб келаётган кишиларнинг ҳаммаси ҳам эшик қоқиб ўтирмайди, ҳаммаси ҳам пок ниятда таширф буюради, деб айтилмайми. Яқинда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳодимлари томонидан кўнглида нопок мақсадларни кўзлаган шундай «меҳмон»лардан бири қўлга олинди.

Қурбон Тожиқистоннинг Панжакент туманида истикомат қилди. Оилали, 3 нафар фарзанднинг отаси.

Қурбонни анчадан буён каттароқ пул топши истаги қийнарди. Қандай йўл билан бўлса ҳам, ишқилиб бирдан-бойиб кетсам бўлди, дея ўйларди. У бундай истак ижобати учун жиноят қилишдан ҳам тоймади. Ҳаромдан келган пулда барака бўлмаслигини тан олмади.

У ўзига таниш бўлган Илхом Нажмиддин билан тил бириктириб, 401 грамм гиёҳвандлик моддасини Ўзбекистон ҳудудига олиб ўтиб, пуллани режалаштирди. Дастлаб Илхом бошхона назоратини четлаб, гиёҳвандлик моддасини Ўзбекистон ҳудудига ўтказиб берадиган, Қурбон эса «захри котили»ни ўша ердаги танишларига сотадиган бўлди. Режага қура «опини» чегарадан ўтказиб берган И.Нажмиддиннинг Қурбонга пулдан унинг ҳақини ажратиб қўйишни айтиб, ортга қайтди.

Энди гап Қурбонда қолганди. Келишўвга қура, у «Мазрифат» исмли аёлга гиёҳвандлик воситасини 750 долларга сотиши керак эди. Бироқ, у мақсадига етолмади ва жиноят устида қўлга олинди.

Қурбон Сулаймоновнинг қилмишига яраша жазо берилди. У 12 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Бировнинг уйига бораётган киши дилини ноҳуш ниятлардан соқит қилиб борса, албатта иззат-иқром қўради. Халқимиз меҳмондўст, бироқ бу юрт бедарвози дегани эмас. Зеро, қонун меҳмонга ҳам мезбонга ҳам, баробар.

Исматилла ЙЎЛДОШЕВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

JURNALIST SURISHTIRUVI

Баъзан ариза билан мурожаат қилинганда мутасаддилар «пешонасини тириштириб» кутиб оладилар. Одатда бундай пайтда: «Яна битта бош оғриғи келибди-да», — деган гап ҳам қўшиб қўйилади. Лекин «ёзувчилик»ни касб қилиб олганларни ҳисобга олмаган-да, ҳар бир шикоят ортида дард бор, ташвиш бор. Унга нописанд муносабатда бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Кўча-кўйда бундай муносабатдан норози ҳолдаги кишиларнинг «Менга қолса қоғознинг донасини минг сўм қилиб кўярдим. Шундагина югур-югур, қоғозбозлик, журачилик камайган бўларди» қабилидаги гапини эшитган чикарсиз.

Тахририятимизга Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги «Дониёрбек» ва «Нурафшон» фермер хўжалиги раисларидан

Зокиров — 53 балл, Расул Нарзуллаев — 92 балл, Бахтиёр Бўронов — 83 балл. Комиссия қарорига кўра, Расул Нарзуллаев ғолиб деб топилган.

Лекин тендер ушбу баёнда кўрсатилганидек ўтганмиди?

Орадан икки hafta ўтгач, Шофиркон тумани прокуроратурига «Дониёрбек» фермер хўжалиги раиси Бахтиёр Бўронов мурожаат қилади. Унинг вазларини ўрганиб чиққан туман прокурори У.Султонов тендерда баъзи ҳолатлар ҳақиқатан инобатга олинмаганини аниқлайди.

Жумладан

гарларнинг бизнес-режалари ўрганилиб, уларнинг қишлоқ хўжалигига оид билимлари баҳоланиши лозим эди. Суд тендер комиссияси томонидан мана шундай ноҳилликка йўл қўйилганини эътиборга олади. Чунончи «2-турда комиссия аъзолари даъвогарларнинг нимасига баҳо қўйилгани маълум эмас, комиссия

ритган бўлса-да, бу ерда унинг вазлари рад этилади.

2004 йил 13 май куни бўлиб ўтган ҳайъат мажлисида тендер комиссиясининг 31-баённомаси сохта эканлиги батамом эътироф этилади. Шу боис танлов натижалари тўлиқ ҳақиқат эмас деб топилди. Фуқаролик ишлари бўйича Гиждувон туманлараро суди

ҳақиқий эмас деб топилди. Шофиркон туман ҳокимлигига У.Асадов номли ширкат хўжалиги ҳудудидидаги 76-, 83-схема бўйича қайтадан тендер ўтказиш мажбурияти юклатилди. Шунингдек, комиссия раиси Уктам Рашидовдан даъвогарлар фойдасига 40.000 сўм ундириш белгиланади.

Суднинг мазкур қарорига Гиждувон тумани прокурори Э.Султонов томонидан киритилган протестда ўзига хос муносабат билдирилди. Хужжатларни ўрганиб чиққан туман прокуроратури тендерда йигирма нафар комиссия аъзоси иштирок этганини тасдиқлайди. У.Рашидовни тендер комиссияси раиси этиб тайинлаш тўғрисидаги Шофиркон тумани ҳокимининг қарори етарлича ваколат бериши эътироф этилган ушбу протест фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилоят суди судлов ҳайъатига жўнатилади.

2004 йил 25 ноябрда Бухоро вилояти фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати А.Қодиров бошчилигида Бахтиёр Бўронов, Барно Раззоқов ва Уктам Рашидовларнинг апелляция шикоятларини, Гиждувон туман прокурорининг протестини кўриб чиқади. Ҳайъат тендер 21 аъздан иборат таркибда ўтказилганини тасдиқлайди. Шунингдек, Бахтиёр Бўронов, Барно Раззоқовларнинг бизнес-режасини тузганлиги, мавжуд техника воситаларига етарлича балл берилмаганлигини исботлайди. Судлов ҳайъатида комиссия аъзоси Ж.Жалиловнинг тендерда иштирок этмаганлиги, лекин баённомага ўзи имзо чекканлиги ҳолатига ҳам баҳо берилади. Ж.Жалилов тендерда иштирок этмаган бўлса-да, нега баённомага имзо чекканлигини тушунтириб беролмайди. Судлов ҳайъати ушбу шахснинг масъулиятсизларча содир этган хатти-ҳаракатига баҳо бериб, унга нисбатан интизомий чора кўриш ҳақида хусусий ажрим чиқаради. Шу ташаббути фуқаролик ишлар бўйича Гиждувон туманлараро судининг юқорида кўрсатилган қарори бекор қилинади. Ҳақиқат қарор топиб, «Дониёрбек» ва «Нурафшон» фермер хўжаликларига ер ажратиш тўғрисида Шофиркон тумани ҳокимининг 2005 йил 17 февралда 555-қарори қабул қилинишига муваффақ бўлинди.

Очигини айтиш лозим, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари йўлидаги бунчалик ноҳиллик ва қаршиликлар ортида қандайдир манфаатлар бормикан деган шубҳа кўнглидан кечиши аниқ. Бу саволга тендер комиссиясининг баъзи аъзолари, мансабдор шахслар ўз виждонлари олдида жавоб беришар.

Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ,
«Ниқуқ» мухбири



Фермер Ва ТЕНДЕР

келган ариза ва бир даста ҳужжатларни қўриб, негадир шу фикрлар ҳаёлимга келди.

Шикоят хатида ёзилишича, Шофиркон туманидаги У.Асадов номли ширкатни фермер хўжаликлари тарзида қайта ташкил этиш юзасидан тендер эълон қилинган. Танловга «Дониёрбек» ва «Нурафшон» фермер хўжалиги раислари Сафар Бўронов ва Барно Раззоқовлар ҳам ариза беришган. Лекин тендер «ёпиқ» ҳолда ўтказилган, ноҳилликка йўл қўйилган.

Аризининг мазмунини билан танишган кишида даставвал масалага бирёқлама ёндашилгандек таассурот ўйонади. Лекин қолган ҳужжатларни варақлар экансиз, бундай таассурот бевақт ёққан қор сингари жуда тез эриб, йўқ бўлиб кетади. Шофиркон туманидаги У.Асадов номли ширкат хўжалиги ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этиш комиссиясининг 2004 йил 10 январдаги баённомасига кўра, йиғилишда 29 нафар иштирокчидан 26 нафара қатнашган ва туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Наби Хайдаров унга раислик қилган.

«Кун тартибидидаги масала юзасидан Н.Хайдаров сўз олиб, 76-схемадаги 58,3 гектар ерга талабгор сифатида 3 кишидан ариза тушганини айтиб, уларни таништирган. Ҳар бир талабгорнинг аризасини ўқиб эшитириб, илова қилинган ҳужжатга алоҳида тўхталиб ўтган».

Шундан кейин жами тўпланган баллар эълон қилинган: Шавкат

«Дониёрбек» фермер хўжалиги ҳисобидаги транспорт воситалари, бир неча йиллар давомида шартнома шартлари бажарилганлиги ҳақидаги статистик маълумотнома тўлиқ инобатга олинмаган. Танловнинг иккинчи босқичи бир томонлама ўтказилганлиги кўрсатилиб, прокуратура томонидан туман ҳокимлиги ва фуқаролик ишлари бўйича судга расмий хат жўнатилади.

2004 йил 26 март куни фуқаролик ишлари бўйича Гиждувон туманлараро судида С.Атоев бошчилигида суд мажлиси бўлиб ўтади. Суд ишида Бўронов Бахтиёрнинг аризаси қўриб чиқилади. Суд Бухоро вилояти Адлия бошқармасининг Шофиркон туманидаги 76-схемага оид тендернинг натижаларини бекор қилиш ҳақидаги даъвосини қисман қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди. Асос сифатида тендернинг иккинчи босқичи ёпиқ ҳолда ўтказилганлиги, танлов иштирокчиларидан бизнесрежа талаб қилинмаганлиги келтирилади. Чунки Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-қарорининг 7-иловадаги 14-бандида ер устаскалари бериш тўғрисидаги аризага бизнесрежа ва фаолият дастури илова қилинади деб белгиланган.

Шунингдек, тендер ўтказишга оид ҳужмат томонидан тасдиқланган низомага мувофиқ тендернинг иккинчи босқичида даъво-

(биринчи мақола)

аъзолари томонидан ўзлари хоҳлаган кишиларни ғолиб қилиш мақсадида комиссия томонидан қўлланмага вид равишда 2 тендер (2-босқич демокчи — таъкид бизники) ёпиқ ўтказилган.

Натижада 1-турда 6 балл кам олган Расул Нарзуллаевнинг баллари сунъий равишда оширилиб, тендер ғолиби деб эълон қилинган».

Бундан ташқари суд жараёнида тендер комиссиясининг 2004 йил 10 январдаги 31-баённомасида комиссия аъзолари Воҳид Хўжаев, Жаҳонкул Равшанов, Баҳриддин Тўраевлар талабгорларнинг имкониятига баҳо бериб сўзга чиқдилар деб ёзилган бўлса-да, ушбу фуқароларнинг тушунтиришларига қараганда улар бу йиғилишда қатнашмаган.

Юқоридагиларга кўра судда тендер комиссиясининг Расул Нарзуллаевни ғолиб деб топиш ҳақидаги қарори бекор қилинади. Шофиркон туман ҳокимлигига тендернинг 2-босқичини қайтадан ўтказиш мажбурияти юклатилади. Ҳақиқат қарор топгандай бўлади. Гарчанд, Р.Нарзуллаев фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилоят судлов ҳайъатига даъво аризаси ки-

қарорининг тендернинг иккинчи босқичини ўтказиш ҳақидаги қисми ўзгартрилиб, ҳокимиятга батамом янгидан танлов ўтказиш мажбурияти юклатилади.

Шу тахлит ўртада талаш ерга қайтадан танлов бўлиб ўтади. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи У.Рашидов раислигида 2004 йил 23 июл куни бўлиб ўтган танловда «Дониёрбек» фермер хўжалиги раиси Бўронов Бахтиёр ғолиб деб топилди. Лекин иш шу билан тугамайди. Балки авжага чиқади. Кўп ўтмай 13 сентябрда фуқаролик ишлари бўйича Гиждувон туман судининг Т.Хўжаев раислигида суд мажлиси бўлиб ўтади. Даъвогар Расул Нарзуллаев, Ҳикмат Остоновларнинг айнан тендер комиссияси қарорини бекор қилиш ҳақидаги аризалари ўрганиб чиқилади. Уларга судда 29 нафар комиссия аъзосидан 18 нафари иштирок этганлиги, бу эса қарорни ҳақиқий деб топиш учун етарли эмаслиги, Уктам Рашидов асосиз равишда комиссия раиси этиб тайинланганлиги, тендернинг иккинчи босқичида бизнес-режа ва даъвогарнинг таклифлари муҳокама қилинмаганлиги вақ қилиб олинади.

Шу боис тендернинг 2004 йил 28 июлдаги 64-65-баённомаси

ТАНЛИ

Яшаш ҳуқуқи инсонга жамият ва табиат томонидан берилган ҳуқуқлардан энг дастлабкиси бўлиб, инсон ҳаётига қасд қилиш ҳамма даврларда ҳам энг оғир жиноятлардан саналган. Шу боис бу тоифа жиноятчилиқнинг барча кўринишларига қарши кураш ҳамма замонлар бўлиб келган.

Ўтган haftaда бўлиб ўтган Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар мувофиқлаштирувчи Кенгашининг навбатдаги йиғилиши ҳам ушбу масалага бағишланди.

Унда пойтахт ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг қасддан одам ўлдириш ва баданга оғир шикаст етказиш жиноятларига қарши кураш, бу йўналишдаги тергов ва суд амалиёти, шунингдек, тезкор қидирув фаолиятининг аҳволи ўтган 2004 йил мисолида ўрганилиб, умумлаштирилди.

Фаолиятга танқидий ёндашув олдинда турган вазифаларни аниқ белгилаб олишда муҳим аҳамиятга эга. Йиғилиш танқидий рўҳда ва мунозараларга бой тарзда ўтди. Албатта ижобий натижалар бор, бирок вазифамиз идоралараро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ва са-

Фаолиятимиздаги устувор йўналиш

марадорликка эришиш экан, мавжуд муаммоларнинг ечимини тезроқ топиш бугунги фаолиятимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолаверди.

2004 йил тахлили шаҳар ҳудудида умумий жиноятчилиқнинг нисбатан камайишига эришилган бўлса-да қасддан одам ўлдириш ва баданга оғир шикаст етказиш жиноятларининг бир мунча ўсганини кўрсатади. Статистик маълумотларга қараганда бу тоифадаги жиноятларнинг

аксарияти кўпчилиги оилавий-маиший низолар, безорилик ортидан содир этилган.

Сир эмас, тергов ва суд амалиётида эришилган натижалар бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берайди. Шунингдек, профилактика ишларини ҳам қўнжарили дейиш қийин.

Маълумки, ҳар бир содир этилган қотиллик бўйича хизмат текшируви ўтказилиши тўғрисидаги Ички ишлар вазирининг буйруғи бор. Бирок, қотил-

ликлар юзасидан ўтказилган хизмат текширувлари ўрганилганда улар «шаблон» тарикасида ўтказилган ҳолатлар ҳам аниқланган. Масалан, Акмал Икромов тумани Чилонзор мавзеси 22-даха 7-уй 64-хонадонда яшаб келган Г. Орловский ичкиликка

онасини уриб ўлдириб қўйган.

Ушбу ҳолат бўйича туман ИИБ ХООБ томонидан ўтказилган хизмат текшируви давомида профилактика нозирини, милиция капитани Ш. Шириновга нисбатан ҳеч қандай жазо қўлмаган.

Жиноятчиликка қарши курашда, айниқса қотиллик жиноятларини фож этишда прокуратура, ИИБ профилактика ва ЖК хизматларининг ўзаро ҳамкорлигининг аҳамияти маълум. Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаши бу борада доимий назорат олиб бормоқда. Йиғилишда фаолиятга тўсиқ бўлётган шу каби муаммолар муҳокама этилиб, келгусида қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Ашир КАРАКЕТОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

BADIA

Бундан олтимиш беш йил муқаддам этинчи синфни битираётган пайтларимда «Қутлуғ қон» романини қанчалик таъсирлини ўқиганим ҳалигача ёдимдан чиқмайди. Китобдан олган ёрқин таассуротларим уни ўқиган жойимнинг манзаралари билан бирга ҳамон кўз ўнгимда турибди.

Биз бир богот жойини қўргончасида турардик. Май ойини охирилар, богдаги тоқлар қийғос гуллаган пайт. Қўргончада сизир ва эчкилар бор, уларга ўт ўриш, анча узоқдаги ариқдан челақда сув ташиб келиш биз каби даст-ёрларнинг зиммасида эди.

Лекин ўша кун «Қутлуғ қон» воқеалари ичига шўнғиб кетганимдан бошқа ҳамма нарсани унуттандим. Китоб ўқишимга ҳалақит бермасликлари учун тоқзорнинг нариги четдаги пана бир жойга яшириниб олган эдим. Онам бир неча марта қўргончадан чиқиб мени қақирди, лекин ўзимни эшитмаганга солиб, китоб ўқишда давом этдим.

Бундан олдин ўзбекчага бошқа тиллардан таржима қилинган романларни ҳам қизиқиб ўқиган эдим. Лекин «Қутлуғ қон» менда фақат оддий қизиқиш эмас, балки янги бир руҳ, янгича туйғу уйғотмоқда эди. Бу — миллий руҳ ва миллий туйғу эканини анча йиллар ўтгандан кейин фахмладим.

Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби халқимизда миллий гуруҳ туйғусини уйғотган ёзувчилар ноҳақ қораланганини ва бегуноҳ қатл этилганини биз ёшлардан яширган эканлар. Ёшлик йилларимизда уларнинг асарларини ўқишдан бутунлай махрум этилган эдик. Мабодо баъзи ихлосмандлар «Ўтган кунлар» ёки «Кеча ва кундуз» романларини яширича ўқийтган пайтда қўлга тушса, қатағонга учарди.

Мустабид тузум айниқса ўсмирларда миллий руҳни бутунлай сўндиришга ҳаракат қилганини, «Тўлат қандай тобланди» каби романлар, «Широка старна моя родная» («Менинг багрикен жонажон мамлакатим») каби шеър ва қўшиқлар бизни катта миллатга қўшиб юборишга ва миллий ўзлигимиздан бегона қилишга қаратилганини вақти келиб тушундик.

1937-1938 йилларнинг қатаронларида руҳан эзилган, севики ёзувчиларидан жудо бўлган ўзбек китобхонлари

учун орадан кўп ўтмай 1939-1940 йилларда миллий руҳдаги «Қутлуғ қон» романининг чоп этилгани тақдирнинг инъомидай кувончли ҳодиса бўлганини мен анча кейин, ўзим ҳам адабий машқлар қила бошлаганимда фахмладим.

Мустабид мафкура Абдулла Қодирий ромаларида Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раъно каби қоқори табақага яқин турган зиёли қаҳрамонлар орқали миллий руҳ ифода этилгани синфий душманлик ва миллатчилик деб қоралар эди. Устоз Ойбек миллий руҳни Йўлчи ва Гулнор каби шўролар маъзул қўрайдиган оддий меҳнатқашларнинг ёрқин образлари орқали ифода этгани ўзбек роман-чиқарида янги бир

бўлгани учун бор мол-мулкимизни шўролар тортиб олган, қиш кунда бизни иссиқ ўйимиздан қувиб чиқариб бадарга қилганди. Бойларни синф сифатида тугатган болшевиклар бизни ҳам кўп қатори камбағалга айлантирган эди. «Қутлуғ қон»ни ўқиган кезларимда мен ҳам Гулнорга қўшилиб кўзёш тўққанам ҳамон ёдимда.

Усиб келаётган вужуд дармондориларга қанчалик эҳтиёж сезса, ўзлигини энди таниётган ёш авлод ҳам миллатдошлари билан уни руҳан бирлаштирадиган адабий асарларга шўнчалик ташна бўлади. «Қутлуғ қон» биздаги ана шу ташналикни қондирадиган асар эди.

Роман охираган сари ундаги миллий руҳ кучайиб боради. Салимбойвачча Йўлчи-

мат қилган хизматқорхонага кириб, унинг эски дўпписини топиб олади. Севиклисини беҳад соғинган Гулнор шу дўппини баргига босиб юмю йилгайди. Романининг ушбу саҳифаларини ўқиганимда мен ҳам Гулнорга қўшилиб кўзёш тўққанам ҳамон ёдимда.

Усиб келаётган вужуд дармондориларга қанчалик эҳтиёж сезса, ўзлигини энди таниётган ёш авлод ҳам миллатдошлари билан уни руҳан бирлаштирадиган адабий асарларга шўнчалик ташна бўлади. «Қутлуғ қон» биздаги ана шу ташналикни қондирадиган асар эди.

Роман охираган сари ундаги миллий руҳ кучайиб боради. Салимбойвачча Йўлчи-

қовуштириб, бош эгиб турмагани учунгина империя тўраси уни ҳамчи билан савалайди! Йўлчи кўли қўллари билан қамчининг учидан тутиб олади ва миршабга чўқмордай муштини кўрсатади... Бундан кейин у, албатта, қамалади.

Ҳақиқатда президентимиз «Независимая газета»-си муҳбири билан қилган суҳбатда «Империя бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисобларди» деганидан нақадар ҳақ бўлганига «Қутлуғ қон» романининг қатор боблари ёрқин тарихий далил бўлиб хизмат қилади.

Империячилар маҳаллий халқ вакилларини ҳатто ҳарбий хизматга муносиб кўрмайдилар. Йилгитларимизни фақат мажбурий марди-

берида.

Суюкли қаҳрамонингизнинг мардона жанг қилиб халок бўлгани ўсмир ёшдаги китобхони қанчалик ларзага солганини тасаввур этинг. Романининг шун жойида мен Йўлчининг синглиси Унсинга қўшилиб алам билан йилга-ланман. Донишманд чол Шокир отанинг тасалли берувчи қуйдаги сўзлари менга ҳам қаратилганини сезганман: «Йўлчининг қони беҳуда кетмайди. Бу хикматли қон, қутлуғ қон... Унда сир кўп. Йўлчи зулмининг илдизига болта урди, иншооллоҳ зулм илдизи қуриди... Йўлчининг қони муқаддас қон. Буни кўзга сурши керак. Кейин тушунасан, қизим. Мен ўлиб кетсам, «ҳа, Шокир отам шундай деган эди

УСТОЗ ОЙБЕК ВА



бадий кашфиёт бўлди. Мустабид мафкура бу кашфиётга қарши чора тополмай қолди.

Айниқса, биз ёшлар ўз миллатдошларимизни «Қутлуғ қон»нинг жозибали қаҳрамонлари қиёфасида қўриб, уларда ўзимизни толгандай булардик, руҳан уларнинг ёнида туриб, гўзал муҳаббатларидан завқ олардик, қувонч ва ташвишларига шерик бўлардик.

Шахсан мен Йўлчининг тупроғи тўпикча чиқадиган қучалардан ялангоёқ юриб, қишлоқдан шаҳарга келишини ҳам айнан ўз ҳаётимга ўхшатардим. Чунки болалик пайтида отамиз бой **1**

ҳаббатимни қозонган қаҳрамонлар эди. Салимбойвачча ва бузуқи Нурининг ёвузликлари туйфайли Гулнор йўқолиб қолганда мен ҳам Йўлчи каби изтироб чеккандим. Ниҳоят, Йўлчи Гулнорнинг изини топганда ва уни ўғирлаб кетган қор кучлар билан мардона олишиб севилисини қўқарганда, менинг унга меҳрим бор неча баробар ошган эди.

Лекин барибир замона зўрлари мақсадларига эришдилар, Гулнорни ноинсоф чол Мирзақаримбой никоҳига олади. Аммо Гулнор унинг даргоҳида ҳам Йўлчининг ёди билан яшайди. Йўлчи истиқо-

дан қасд олиш учун оқродшоннинг полиция маҳкамасига арз қилади. Ёзувчи «шопмўйлов, сарик, юмалок» деб тасвирлаган миршаб Йўлчининг чойхонада чой ичиб, дам олиб ўтирган пайтда излаб топади. Қоидида биноан бўлгани ҳамма ўрнидан туриб, қўл қовуштириб қўтиб олади. Фақат Йўлчи ўрнидан турмайди. Миршабнинг бундан ғазабланганини ёзувчи унинг «қўзларидан кўк олов сочиб» Йўлчига қамчи кўтаргани орқали тасвирлайди. Мустамаला зулми шу даражадаки, Йўлчи ҳам бошқа мазлумлар каби миршаб қарҳисидида қўл **2**

корликка жалб этишди. Халқ бунга қарши кўзғолон кўтарди.

Тошкентда туғилиб ўсган Ойбек ёшлиқда бу тарихий воқеани ўз кўзи билан кўрган учун бутун тафсилотлари билан ҳақоний тасвирлайди. Биз Йўлчини ботир курашчиларнинг олдинги сафиди кўрамиз. Қўзғолончилар орасида аёллар, мардикорга қақирилган йилгитларнинг оналари ҳам кўп эди. Улар полиция маҳкамасининг бошлиғи Мочаловдан мардикорлик ҳақидаги фармоннинг бекор қилинишини талаб қиладилар. Бунга жавобан қуролсиз аёлларга қарши ўқ отиладди. Бегуноҳ қурбон бўлаётган мушфиқ оналар ҳимоясига Йўлчи ва унинг дўстлари етиб келади. Улар полициячиларни тошбўрон қилиб, ичкариқочмишга мажбур қиладилар. Деразалар чилчил синидади. Йўлчи чағдастлик билан бир полициячини уриб йиқитади ва қиличчини тортиб олади. Қиличчи боши узра кўтариб, золимларга ҳамла қилади. Шу лаҳзани ёзувчи ёрқин бир ўқшатиш ёрдамида эсда қоладиган шаклда гавдалантиради. Йўлчи боши узра кўтарган қиличқўшда оқ олов каби ёнади! Лекин дераза ортида пусиб турган империячилар унинг кўкрагини мўлжалга олиб кетма-кет ўқ отадилар. Йўлчи кўлда оловдай ёнган қилич билан жон

деб ёдларсан».

Бу ерда Шокир отанинг тили билан устоз Ойбекнинг ўзи сўзлаганини биз бугун истиқлол даврида миннатдор бўлиб ёдга олмақдамиз. Чунки «Йўлчи зулмининг илдизига болта урди, иншооллоҳ бу илдиз қуригай» деган башорат XX асрнинг охириги ўн йиллигида ижобат бўлди. Биз мустамаला зулмидан қутулдик. Адиб романидан «Қутлуғ қон» деб аталишида сир кўп эканига ишора қилгани ҳам бу ерда умумлашма образ ва теран маъноли рамз борлигидан далолат беради.

Ойбек ёшлик йилларидан бошлаб иждоий жасорат ва миллийлик бобида Абдулла Қодирий ва Чўлпондан ибрат олганлиги, уларнинг энг яхши аънаёларини давом эттирганлиги кўпчиликка маълум. «Қутлуғ қон»да Абдулла Қодирий бошлаб берган ўзбек миллий романчилиги мактабининг асосий йўналишини бошқа давр ва эзилган синф вақили бўлган Йўлчи образида қандай давом эттирилганига яна бир эътибор берилайлик.

Отабек ватанимизга бостириб келган чоризм мустама-лақчилар билан олдинги сафда мардона жанг қилиб халок бўлади. Йўлчи мантиқан унинг ишмини давом эттиради — мустама-лақчиларга қарши кўтаришган миллий озодлиқ ҳаракатининг олдинги **3**

YEMOQNING QUSMO'GI BOR

— Ферма ташкил қилиб, қорамол сотиб олишга кредит бериб турсангиз, кейин хурсанд қиламан.

- Майли-ю, озгина чиқми бор-да!
- Нақдма-нақд гаплашаверамиз, ака!
- Бўпти, ҳужжатларни тайёрлайверинг...

Ҳужжатлар тайёр бўлганида кредит бўлими мутахассислари янги ташкил этилган Низом жамғармасидан бошқа ҳеч вақоси бўлмаган фирма кредитни қайтарма олиши даргумонлиги хусусида ҳулоса беришиди. Баҳоdir Камолов яна «ака-хонига учради. Банк бошқарувчиси 10 млн. сўм кредитнинг 15 фоизини бериши лозимлигини шазъа қилганида, «20 фоизига ҳам тайёрман» деб қўлини кўксига қўйди.

—Фақат кафолат берадиган ташкилот топсангиз, бас! — деди бошқарувчи.

Баҳоdir таниши Нодиржонга дардини тўкиб солди. Нодиржон уни қайнотаси, «Абба-98» хусусий фирмасининг эгаси Бахтиёр ака Аҳмадалиев хузурига бошлаб борди. Қайнота кувейнинг илтимосини рад эта олмай Баҳоdirнинг «расмиятчилик ҳалос, сира ташвиш чекманг, предчти бемалол ўзим тўлайман», деган пуч гапларига лақа тушиб, кафиллик шартномасига имзо чеқди.

Шундан сўнг пулни пулга уриштириб, бирни минг қилишга бел болаган «удда-

«Нажот»сиз қолган фирибгар

Бундан тўрт йил аввал, йигирма олти ёшга кирганда, «Нажот» хусусий фирмасини ташкил қилди. Чорвачилик билан шуғулланиш мақсадида ўзи фирма ҳисоб рақамини очган «Миллий банкнинг Фарғона вилоят бўлиминдан кредит олишга чоғланди. Ёш бўлса-да, гапга чечан, биринчи бор қўриб турган одамнинг у энгидан кириб, бу энгидан чиқиб кетиш «истеъдодини» эгаллаган, дангал, ишдан ҳайқилмайдиган Баҳоdirжон ўша пайтдаги банк бошқарувчиси Орифжон Қорабоев билан (айни чоғда жиноят иши кўзгатилиб, қидирув зўло қилинган) дарров тил топишди.

бурун» банк бошқарувчиси О.Қорабоевга 15 фоиз эмас, 20 фоиз, 2 миллион сўм «хизмат ҳақини» қўшқўлаб тутқазди. Қоидида кура кредит маблагларини кредит комиссияси қўриб чиққач, миждоннинг молиявий имкониятига ишонч ҳўсил қилгандан кейингина бериши лозим. Бироқ «Миллий банк»нинг Фарғона бўлимида ўша комиссия номигагина маъвуд, кимга қанча кредит ажратишини бошқарувчи шахсан ҳал қилар, сўзига кирмаган ходимларга «аризангни ёз» деб дўқ урарди.

Хуллас, бошқарувчининг шахсан топшириғи билан «Нажот» фирмасига 10 миллион сўм кредит ажратилди. Баҳоdir ўша

захоти пулни таниш фермер хўжалигининг ҳисоб рақамига ўтказиб, қорамол харид қилди ва Фарғона шаҳар Бешбола маҳалласидаги ҳовлисидида боқишга киришди. Бироқ банк мутахассислари қоидида кура кредитнинг мақсадли ишлатилишини текшириб бориш жараёнида янги чиққан фермернинг чорва бош сони кўпайиш ўрнига камайиб бораётганига эътибор қаратишди.

—Ваҳима қилманлар, фоизиним, қарзиним ўтлайди, — чўрт кесди бошқарувчи. Баҳоdir молларни гўштга сотиб туғатаёвган, банк кредитини қандай қайтаришни билмай боши қотган бир пайтда эса, банк бошқарувчисининг ўзи йўл кўрсатди.

—Биронта ферма ташкил қилиб, 50-60 миллион сўм кредит оласиз-да, ўшанинг ҳисобидан тўлайверасиз! — «Нажот»га ғойибдан нажот келди-ю, Баҳоdir укаси Аҳлишер номига «Хўжа Осафий» фермер хўжалигини ташкил қилди. Янги фермага қорамол, омухта ён харид қилишга кредит сўраб, укаси номидан банк бошқарувчиси О.Қорабоев номига ариза ёзди. Аризага қўшиб «нажотбарор» ака-хоннинг столи тортмасига 2050 АҚШ долларини ташлаб чиқди.

—Бори шуми? — Хали уйингизга бораман! Кечки пайт сўзининг устидан чиқиб, бошқарувчининг уйига 4.500.000 минг сўм келтириб берди. Бошқарувчининг кўрсатмаси билан кредит ҳужжатлари, кафолат шартномаси рас-

сафиди бориб, қўлда қилич билан қаҳрамонларча жон беради. Демак, Йўлчининг қони биз учун қандай ҳикматли ва қўтлуғ бўлса, Отабекнинг қони ҳам шундай муқаддасдир.

Бугина эмас: Отабек ва Йўлчиндан кейин улар каби ватан озодлиги учун жон фидо қилиб қатанга учраган истиқлолчиларнинг муқаддас қонларини ҳам адиб ўз романининг номидаги рамзий маъно орқали «Қўтлуғ қон» деб улуғламаяптими?

Чўқурроқ ўйлаб қарасангиз, Абдулла Қодирий, Ҷўлпон, Фитрат, Мунавварқори каби

лейига узоқ ўлкалардан ташриф буюрган меҳмонлар менга гўё шу олтин кўприқдан ўтиб келгандай кўринар эди. Юбилей шодиёналари йигирманчи аср ўрталарида Ўзбекистонда ўз берган энг ёрқин маданий воқеага айланди. Биз ёшлар ана шу воқеанинг марказида суякли адимимиз Ойбек турганини кўриб беҳад мамнун бўлар эдик. Академик Ойбек Навоий номли театрда бўлиб ўтган анжуманда биринчи бўлиб минбарга кўтарилгани ва Алишер Навоий ҳақида ажойиб маъруза қилгани биздаги ифтихор туйғусини кўчайтирарди.

**Пиримқул ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

МИЛЛИЙ РҲҲ

ватанпарварлар шўро мустақлақчилари томонидан отиб ўлдирилганига баҳонаю сабаб — улар ҳам ўз фаолияти билан мустақлақ зулмининг илдизига болта урганлиги эканини сезасиз. Бу захарли илдизнинг аср охирига келиб қуриб битишига улкан ҳисса қўшганлиги учун уларнинг озодлик йўлида тўқилган покиза қонларини ҳам биз бугун қўтлуғ билиб, улуғлаймиз.

Оддий кўринадиган иккита сўз — «Қўтлуғ қон» — роман қаҳрамонлари тақдиридан келиб чиқадиган теран миллий рўҳ билан йўрилганлиги ва шунчалик катта тарихий ҳақиқатни ифода этганлиги устоз Ойбекнинг жасорати ва истеъдоди нақадар буюк бўлганидан далolat беради.

Кўпчилик китобхонлар каби мен ҳам «Қўтлуғ қон»ни сўйиб ўқирганимдан бўён Ойбек акани яқиндан кўришни, унинг овозини эшитишни орзу қилардим. Бу орзўйим Тошкентда талаба бўлган йилларимда ушала бошлади. Худди шу йиллари «Навоий» романи чоп этилди ва жаҳон миқёсига чиқиб, жуда катта муваффақият қозонди. Бу роман беш ўш йил олдин яшаб ўтган туйғу шoir ва мутафаккир билан бизнинг ҳозирги авлодларни руҳдан яқинлаштирган олтин кўприк бўлди. Алишер Навоийнинг беш юз йиллик юби-

Бу йиллар устоз Ойбек Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига раислик қиларди. Адабиетимизда пайдо бўлган яхши асарларни раҳбар ва дўст сифатида астойдил қўллаб-қувватлар эди. Абдулла Қаҳҳорнинг ўша йиллари босилиб чиққан «Кўшчинор» романи бўйича Муқимий театрида китобхонлар анжумани бўлганда устоз Ойбек мажлисга раислик қилган ва ҳамкасбининг янги асарига юксак баҳо берган эди. Ойбекнинг тавсияси билан «Кўшчинор» рус тилига таржима қилинган ва Москвада «Литературная газета» саҳифаларида уни муваффақиятли роман сифатида баҳоловчи катта мақола чоп этилган эди.

Лекин эллимизнинг йилларда қонхўр Сталин бошқарган мустабид тузум халқнинг меҳрига сазовор бўлган талантли ижодкорларга қарши янги ҳужумларни яна авжига чайқарди. Ойбекнинг дўсти Шайхзода қамоққа олинди. Абдулла Қаҳҳорнинг «Кўшчинор» романи совет воқеалигини бузиб кўрсатган зарарли асар сифатида қораланди. Бу романга юксак баҳо берган Ойбекни бир қатор ноҳақ айбловлар билан ёзувчилар уюшмаси раислигиндан бўшатди. Матбуотда унинг «Навоий» ва «Олтин водийдан шабадалар» романларига қарши сурункали танқидий ма-

қолалар чоп этила бошланди. Узоқ давом этган бу адонат-сизилқлар Ойбекнинг соғлигига қандай таъсир этгани ва уни қандай оғир хасталикка дучор қилгани адибнинг садоқатли умр йўлдоши Зарифа Саидносированинг «Ойбеким менинг» деб аталган китобида кишини ҳаяжонга соладиган тафсилотлари билан ҳикоя қилиб берилган.

Ўша йилларда биз талабалар ҳам суякли устозларимизга ноҳақ отилган маломат тошларидан қаттиқ изтироб чекканмиз. Бу изтиробларимизни мен «Ҳч илдиз» романида Маҳжум ва Очил каби ёшлар ўз суякли домллари профессор Абдурахмон Тошев ва доцент Темур Акбаровлар томонида тургани,

Ойбек аканинг ҳузурига тақлиб қилганида беҳад суяноб кетдим.

Майнинг охирилари, қуёшли илиқ кун эди. Шунга монанд илиқ ва ёруғ туйғу билан биринчи марта устоз Ойбекнинг ҳузурига бордим.

Улар Москва марказидаги муҳташам «Европа» меҳмонхонасига келиб тушишган экан. Хасталиklarини ҳисобга олиб, биринчи қаватнинг кенг ва қулай хоналаридан жой беришган экан. Мен «Ҳч илдиз»нинг декада муносабати билан яшил лидеринг муқовада чоп этилган нашридан бир нусха олиб борган эдим. Дилмадига самимий миннатдорчилигимни ёзиб, Ойбек акага тақдим этдим. Мамнун бўлиб қабул қилди.

тутаман.

Суҳбатимиз сўнггида Зарифа опа Ойбек аканинг асарлари Москвада қайта нашр бўлаётганини айтиб, таржимон ва ноширлар билан алқада бўлиб туришни менга топширди. Бу ишлар менинг хизмат вазифамга кирар эди, шунинг учун топшириқни жонин билан қабул қилдим ва адо этдим.

Яна беш йилча вақт ўтди. Бу орада биз Тошкентга кўчиб келдик. Баҳор кунларидан биринчи уйимизга Зарифа опа кўнжирок қилиб қолди.

— Бизикига телестудиядан келишмоқчи, — деди. — Ойбек домланинг олтимши йиллиги арафасида уйдан бевосита кўрсатув бериларкан. Ойбек домла сизни ёшлардан вакил бўлиб қатнашишга тақлиф этапти.

— Раҳмат, Зарифа опа! Албатта бораман.

Зарифа опа кунни ва соатини айтиб, қўшиб қўйди:

— Сиз эртароқ келинг.

Кўшимча топшириқ ҳам бор.

Май ойи эди. Ҳозир Ойбек аканинг музейига айлантирилган ҳовлида анвойи гуллар очилган. Ҳаммаёқ байрам тусини олган. Одам кўй. Мен эртароқ бордим.

Ойбек ака кабинетда ўлтирган экан. Зарифа опа мени домланинг ҳузурига бошлаб кирди.

Учовимиз ёзув столи ёнига келиб ўтирдик. Стол устида машинкада оққа кўчирилган бир неча саҳифалик матн турибди. Ойбек ака бу матнга алланечўк ўйчан ва хиёл маъюс назар ташлаб қўйди. Зарифа опа матни кўлларига олиб менга юзланди:

— Кўрсатувнинг охирида Ойбек домла халққа қараб айтган сўзлари мана шу матнда ёзилган. Шунчи сиз Ойбек домланинг ёнида туриб экран қаршисида ўқиб берсангиз...

Мен бир лаҳза саросимага тушдим. Шундай янгрқ шерьлар ёзган ва улари ляртур орасида жарангдор овоз билан ўқиган Ойбек эъмомна зайли билан нуқтини йўқотгани, мана бу икки-уч бетлик матни ҳам халққа қараб ўқиб беролмаслиги қандай оғир кўргўли эканини ҳис қилиб, бўзимга бир нарсга тижидил. Ойбек аканинг хиёл маъюсланиб тургани ҳам шундан эканини сезиб, юрагим зэлиди.

Аҳволимизни кўрган Зарифа опа:

— Ойбек домла сизга ишонч билдираяпти, — деб тўшунтирди.

Уларга тўхмат қилган бахилларга қарши қурашган лахвалар орқали кўрсатишга ҳаракат қилган эдим. Урни келганда айтиш жоиз: талабалар севадиган профессор Тошев образида мен Тошмуҳаммад ўғли Ойбекни назарда тутган эдим. Отаси темирчи бўлган Темур Акбаровични тасвир этганда устозимиз Абдулла Қаҳҳор кўз олдимда турган эди. Бу образдан қўзланган ҳамкасб мақсад — ёш авлоднинг бутун меҳри устоз Ойбек ва Абдулла акалар томонида бўлганини, нафратимиз эса уларга тўхмат тошини отган бахилларга қарши қаратилганини баҳоли қурбат билан эди. Романдаги ивгогарларнинг ҳам прототиپлари бор эди. Улар ўзларини таниб қолиб, романига қарши Москвада ўтган декада пайтида ҳужумлар уюштиришди. Лекин Мухтор Аевозвдай буюк адиб мени ҳимоясига олгани учун улар иложсиз қилишгани жамоатчиликамга маълум.

1960 йилларга келиб вазиет анча яхшиланди, Ойбекка нисбатан адолат тикланди, халқимиз уни СССР Олий кенгашига депутат қилиб сайлади. Ойбек Москвага сессияга борган кунларининг бирида Зарифа опа мен узеб адабиёт бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаб турган марказий ёзувчилар уюшмасига кўнжирок қилди... У кишини мени

Дастурхон ёзилган эди. Юзма-юз ўтириб ўқидан сўзлашганимизда Ойбек аканинг ёниб турган йирик-йирик кўзлариде нақадар катта ҳаётий тажриба ва иждодий қудрат акс эттишини сезиб қайратланардим. Лекин хасталик туйғули сўзларни бўлиб-булиб, қийналиб талаффуз этганида улуг адибни эркин-озод сўзлашиш имконидан маҳрум қилган мустабид тузумга нафратим ошиб-тошарди.

Фақат садоқатда тенгсиз Зарифа опа Ойбек ака талаффузда қийналиб айтолмаган олижаноб фикр ва туйғуларни гўё таржимон бўлиб сўхбатдошига аниқ етказиб бераар эди. Шу тариқа мен Ойбекнинг декада пайтида бўлган мунозаралардан хабардор эканлигим ва Мухтор Аевозвнинг нуқтидан мамнун бўлганлигини билиб суюндим. Ойбек ака:

— Тарихчи... Яхши... ёзинг!

— деб тилик билдирди. Зарифа опа буни:

— Тарихчилар ҳаётидан ёзибсиз, — деб тўшунтирди.

— Ўзингиз ҳам тарихчи экансиз. Ойбек ака тарихий асарлар ҳам ёзинг, халққа жуда керак» дедмоқчи.

— Раҳмат, Ойбек ака! Сиздан миннатдораман, Зарифа опа! Ўзимнинг ҳам орзум шу. Ойбек аканинг бу тилаklarини умрбод ёдда

миллаштирилиб, «Хўжа Осафий» фермер хўжалигига 60.000.000 сўм кредит ажратилди. Фермер хўжалигининг раҳбари Алишер Камолов номига раҳбар, сават ишни Баҳодир ўз қўлига олган эди. Ўша кунийқ кредит маблағларини учта тўлов топшириқномаси орқали

укасининг фермер хўжалиги ҳисоб рақамидан ўзининг «Наҳот» фирмаси ҳисоб рақамига ўтказди.

Ушбу маблағларни омухта ем, қорамол харид қилиш, канцелярия моллари, молхона қурилишига цемент учун турли фирмаларнинг, фермер хўжалиklarининг ҳисоб рақамларига ўтказиб, айтилган нарсаларни бир қисмини харид қилишга сарфлади.

60 миллион сўм кредит олаётганида 75.000.000 сўмга баҳоланган мулки — пиллахона ва ундаги асбоб-ускуналарни гаровга қўйиб, кафилик шартномасига имзо чеккан тошлоқлик «Хусния» хусусий фирмаси раҳбари А. Исқандеров унинг фирмасига борганда 100 бошдан зиёд қорамолни кўриб ҳавас қилди.

Баҳодир эса молларни сотиб, пулларни ҳазм қилиб юраверди. Фермасида 20 бошга яқин сигир ва бузоқлар қолганида фермерликни ҳавас қилган Кувасой шаҳри Полмон қишлоғида яшовчи Асилбек Саидовни лақиллатиб, чув тўширди.

— Кишлоқдаги фермани сотиб олиб, мол боқай деб банкдан кредит олай десам, ҳеч иложи бўлма-

япти, — ёрилди унга Асилбек.

— Орифжон ака акахоним бўлади, кредитни ўзим гаплашиб бераман, — деди Баҳодир. — Фақат битта шартим бор, пулни дархол менинг ҳисоб рақамимга ўтказасиз, молларни мендан оласиз.


Асилбекни иккилиниб қолганини кўрган Баҳодир, уни ишонтириш учун фермасига олиб бориб кўрсатди. Шундан сўнг унинг гапларига лаққа тушган А. Саидов «Ал Жазира» хусусий фирмасини ташкил этиб, рўйхатдан ўтказиб, «Миллий банк» да ҳисоб рақамини очди. Баҳодир Кувасойдаги «Насл» фермаси ҳисобчиси Р. Урайимовага ҳам 5 миллион сўм кредит олиб беришни ваъда қилган, ширкат хўжалигига қарашли ферманинг муҳри босилган, бироқ тўлдирилмаган қафолат хати қўлида эди. Бироқ Р. Урайимова 500 миғ сўм «хизмат ҳақи» топиб бера олмай, иш чала қолганди. Баҳодир А. Саидовга қорвачиликни ривожлантириш учун 15 миллион сўм кредит ҳужжатларни тайёрлаб, «Насл» фермаси директорининг ўрнига ўзи ўхшатиб имзо чекиб, сохта қафолат шартномасини ҳам тўзди. Банк бошқарувчиси О. Қорабоев эса «кемага тушганини» жони бери, қабилида иш кўриб, Баҳодирнинг илтимосига кўра «Ал Жазира» фирмасига 15 миллион сўм кредит ажратди. Фирма

раҳбари А. Саидов бўлса келишигандай, ушбу маблағни ўша кунийқ «Наҳот» фирмаси ҳисоб рақамига ўтказди. Бироқ ваъда қилинган қорамоллардан дарак йўқ эди. Баҳодирни излаб уйига борганида, биронта ҳам мол қолмаган экан.

2003 йилнинг баҳорида «Миллий банк» Фарғона вилоят бўлими бошқарувчисига нисбатан жиноят иши қўзғатилганда, у қочиб яширинди ва унга нисбатан қидирув зълон қилинди. «Наҳот» ва «Хўжа Осафий» фирмалари олган 100 миллион сўмдан зиёд қайтарилмаган кредит ва фиозларни ундириш учун банкнинг янги раҳбарияти Хўжалик судига даъво аризаси киритди. Ариза қанотлангирлиб, қарзни ундириш кредитга қафолат берган «Насл», «Хусния», «АББА-98» фирмаларининг мол-мулкига қаратилган, «Хусния» фирмаси суднинг ҳал қилув қароридан норози бўлиб, Олий хўжалик судига кассация аризасини топширди. Хўжалик суди ишни кўриб чиқиб, вилоят прокуратурасига юборди.

Суд «Наҳот» сиз қолган Баҳодир Камоловни тегишли жазага тортиди.

**М. СОВВОЛДИЕВ,
Фарғона вилоят прокуратураси
терговчиси**



ДЕТЕКТИВ ҚИССА

(Давоми. Бошланғич ўтган сонда).

— Одамлар бой яшаса керак? — деди қиз шунчаки сўраган бўлиб.
— Ҳа, — деди Жамшид керилиб. — Йўқ деганинг ўйда уч-тўрт мол, ун-ўн бешта кўй бор. Мана, масалан, кўчамизда Қура-мат бова деган бор. Ўғил-қизлари ўйли-жойли бўлиб чиқиб кетган. Катта ховлида бир ўзи кампири билан яшайди. Чорбоғи тўла мол-қўй. Яна хахга бораман деб икки миллион сўм пул ҳам йиғиб қўйибди.

— Йўғ-э, — деди қиз кўзларини катта-катта очиб. Бу пайт автобус йўлга тушиб, катта трассада олиб борарди. Қиз нимагадир Жамшид томонга хиёл эгилди. Кофтасининг ўйиқ ёқасидан сийналари мармардек ярақлаб кўзга ташланди. Йигитнинг кўзлари ўйнаб кетди.

Йўлда хангома қизигандан қизиб, яқиндан танишиб ҳам олдилар. Қизнинг исми Раъно бўлиб, аллақандай фирмада ишлар экан.
— Сиздақанги чиройли кизни биринчи кўришим, — деди Жамшид унга суқланиб қарар экан.
— Кўйсангиз-чи. Менимча, кўзингизга чиройли кўринган хар бир кизга шундай дегангиз керак.

— Йўқ, рост айтаяпман. Сизга жон деб уйланган бўлардим.

Қиз яна яйраб табассум қилди, кўзлари ноз билан чақнади.

— Кўйсангиз-чи, қишлоғингиз бир чекка жойда экан. Ўша ёққа келин бўлиб тушаманми?

— Қишлоғимиз ҳечам чекка жой эмас, — деди Жамшид ва қиз-шиб қишлоғини, айниқса ўзи яшайдиган кўчани, кўни-қўшнилари, боғларини таърифлашга тушди.

— Хўп, қишлоғингизни роса мактадингиз, — деди қиз кулиб.
— Ростдан ҳам кўшиқчи бўласизми?

— Ҳа.

— Ўху, пайти келиб машхур бўлиб кетсангиз эслаб юрарканми-из-да. Тошкентнинг қаерида яшайсиз?

— Бир хонали ўйни ижарага олганмиз. Икки киши турамыз.
— Шеригингиз ҳам сиз билан бирга ўқийдими?

— Ҳа, уям кўшиқ айтади.

— Икковингиз битта хонадонни ижарага олган бўлсангиз бой экансизлар-да-а?

— Шеригим бой. Самарқанддан. Дадаси вино заводига ишлайди. Узиям тўртта, бештами ҳар хил машинаси бор-ов. Ўғлига «Тико» олиб бериб қўйибди. Икковимиз бирга ўқийда қатнаймиз.

Сўхбат қизиб, Тошкентга қандай етиб келишгани ҳам унчалик билинмади. Метро бекатига тушишар экан, қиз унга ўтирилиб, қўлини чўзди.

— Танишганимдан жуда хурсандман. Жуда дилкаш йигит экансиз.

— Сиз билан ҳеч хайрлашгим келмайпти.

— Илож қанча, — деди қиз жилмайиб. — Сиз ўқишингизга боршингиз керак. Менинг ҳам ишларим кўп.

— Ҳеч бўлмаса иш жойингиз, манзилингизни айтинг. Телефонингиз бордир, кўнгирак қилардим.

— Мени барибир бир ердан тополмайсиз. Яхшиси, ўзингиз қаерда яшайсиз, шунга айтинг, балки бориб қоларман.

Жамшид шоша-пиша ёндафтарчасидан бир varaқ йиртиб олди-да, адресини ёзиб берди. Қиз ўша-ўша жилмайиб билан хайрлашди-да, бурилиб метро томон юрди. Шунда Жамшиднинг кўзи унинг чап елкасидан бўйни томон кўтарилиб борган ингичка, эгри-бугри чандиққа тушди. Чандиқ қизнинг хуснига ўтиришмас, хосиятсиз бир белгидек таассурот уйғотганди. Жамшиднинг

кўнгли алағда бўлганча қолаверди...

— Бор гап шуми? — деди Дониёр ака йигитнинг кўзларига тикилиб қарар экан.
— Ҳа.
— У олдинга бордимми?
— Йўқ.

— Бўйнидаги чандиғи кўзга ташланиб турармиди?
— Ҳа. Айниқса ҳозир ёз пайти. Чандиғи қизариб турганди. Ўзи оппоқдан келган қиз, шунинг учун чандиқ...

иш қиламиз. Қишлоққа кетсак, сизларникига. Энанг билан гаплашайчи. Балки ўша сен билан ҳамроҳ бўлган қиз боргандир сизларникига.

Жамшиднинг етмишдан ошган энаси ховлида пахта ситиб ўтирган экан. У Дониёр аканинг саломига тетик бир овозда алиқ олди. Жамшид Дониёр акани унга таништириб, мақсадини тушунтирди.
— Эна, ўша кўни келган газчилар тўғрисида яна гапириб берсангиз,



ди.

Излаб-излаб, Жамшид турган ўйни топди. Тўрт қаватли бинонинг учинчи қаватига кўтарилди. Кўнги-роқни босган эди, эшикни Жамшиднинг ўзи очди. У Дониёр акани кўриб шошиб қолди.
— Ие, ассаломалайкум... Келинг...
— Ваалайкум.
— Киринг ичкарига.

Улар ҳам ётоқхона, ҳам меҳмонхона вази фасини ўтовчи ягона хонага киришди. Девор тагидан қўйилган иккита диван-кароватдан биттасининг таҳи бўзилмаган, ик-

Гулнора ХАМРОЕВА

ЧАНДИҚЛИ ҚИЗ

— Тушунарли. Ўзинг дуруст йигитга ўхшайсан-куя, лекин анча мақсадона экансан.

Жамшид хижолат бўлиб бошини эгди. Дониёр ака бир пас ўйга толиб ўтирди-да, сўнг йигитга юзланиб деди:

— У олдинга бориб қолиши мумкин. Янаям ким билади, хар ҳолда у бекорга манзилнинг сўраб олмаган. Мабород бориб қолса, бизга хабар берарсан. Нима бўлганда-ям, у қиз ким, Қурабат бованикида бўлган воқеага алоқаси борми-йўқми, буни билмаймиз. Балки умуман алоқаси йўқдир. Фақат у борганда ўй адреси, ишлайдиган жойини билиб олсангиз чакки бўлмасди.

— Айтганча, — деди Жамшид биров ўйлаб, — энамнинг айтишича, Қурабат бованинг кампири ўлмасидан уч-тўрт кун олдин бир йигит билан бир қиз ўзларини туман газ идорасиданмиз деб таништириб келишган. Газ пенька, плиталарни текшириб, кейин нимагадир Қурабат бованинг ўйини сўрашган.

— Қизик... Қачон дединг?
— Қурабат бованинг кампири ўлмасидан уч-тўрт кун олдин.

Дониёр ака хаёлан кунларни ҳисоблаб чиқди-да, туман газ идорасига кўнгирак қилди.

— Алло. Ассалому алайкум! Менга Асқар Саидов керак эди. Прокуратураданман. Дониёр...

— Ассалому алайкум, Дониёр ака. Яхшимисиз, яхши юрибсизми? Мен Асқарман. Бирор хизмат бормиди, ака?

— Бир маълумотни текширмак-чийдим. Олдинги ҳафтада сизларнинг ходимларингиз Соҳмабулоқ қишлоғига газ бўйича текширувга чиқмаганмиди?

— Йўқ, Нима гап ўзи? Ходимларимиз бирор иш қилиб қўйибдимми?

— Йўқ-йўқ, Хавотирланманг. Товламанчилар ўзларини идорангиз ходимларингиз деб таништиришган.

— Ишқилиб бизга алоқаси йўқми?

— Йўқ, хотиржам бўлинг, — деди Дониёр ака ва гўшакни жойига қўйиб Жамшидга юзланди. — Ҳозир битта

Бу киши прокуратурадан. Қурабат бованикига кирган ўғриларни қидириб юрибди.

— Ўғрининг ўйи куйсин. Нима, ўша газчилар ўғри эканми?..

— Уларнинг кимлиги аниқ эмас, — деди Дониёр ака бошиқ бир оҳанг-да.

— Лекин, айтишингизга қараганда, улар сиздан Қурабат бованинг ўйини сўрашган. Шундан шубҳамиз бор. Уларнинг кўриниши эсингиздами?

Кампир кўзойнагини тўғрилаб деди:

— Биттаси эркак эди, орриқ, кўзлари чақчайганроқ. Иккинчиси ёшроқ бир хотин. Газданмиз дейишди. Печкаларни, газ ўқоғини текширишди. Кейин ҳалиги эркак, ёши ўттизлардами дейман, дабурустдан Қурабат бованинг ўйи қайси деб сўради. Кўчага чиққан кейин яна сўради. Мен унинг ўйини кўрсатвордим.

— Улар ўшанда бошқа уйларга-ям киришдимизми ёки тўғри унинг ўйига кеттишимизми?

— Йўқ, бошқа уйларга киришмади. Тўғри Қурабат бованикига кетишди. Ҳа, айтганча, Қурабат бова касалхонадан чиқиб келибди.

— Хўп, сизга катта раҳмат, — деди Дониёр ака ва ўрнидан турди. У машинасига ўтирар экан, Қурабат бованикига ҳам кириб чиққолай деб хаёлидан ўтказди ва рулни унинг ўйи томон бурди. Чол билан бир-икки гаплашган эди-ю, лекин Собир Хўжамов айтган маълумотлардан ортиқ ҳеч нима ололмаганди.

Соҳта газчилар ҳақида Қурабат бова ҳам аниқ бир нима дейлмади. Ўша кўни у уйда йўқ экан. Дониёр аканинг кундан-кунга қайфияти тушиб борар, иш чиғаллашиб, на боққинчилар, на Жамшид айтган ўша чандиқли қиз ҳақида бирор-бир хабар ололмаётганди.

Орадан бир ой ўтди. Жамшиддан ҳам ҳеч қандай хабар бўлмади. Ниҳоят унинг сабри чидамай, прокурордан рухсат олди-да, эртаси кўни тонгсахарлаб Тошкент жўна-

кинчиси афтидан Жамшидга тегишли шекилли, устидан бир кўрпа букланиб ётарди. Уртада стол, атрофида тўртта стул. Жамшид Дониёр акани ўтиришга таклиф қилди-да, чой қўйишга ошхонага ўтди.

Дониёр ака хонага разм сола бошлади. Балконга олиб чикувчи эшикнинг чап томонида, дераза олдида ёзув столи қўйилган бўлиб, деворга тақаб китоб жавони жойлаштирилганди. Жавонда китоблар, папкалар, қандайдир журналлар кўзга ташланарди.

Жамшид ошхонадан қайтиб, стол ёнига ўтирди.

— Яхши юрибсанми, ўқишларинг қандай? — деди Дониёр ака.

— Раҳмат. Ўзингиз яхши юрибсизми?

— Сендан ҳеч бир хабар йўқ. Ўша қиз олдинга келдики?

— Келишга келди-куя... — деди Жамшид чайнаиб.

— Хўш?

Жамшид бир муддат хаёлга толиб қолди. Кейин чой қўйгани эсига тушиб, ўрнидан турди. Чой дамлаб келиб, қайтиб жойига ўтирди. Чойни уч марта қайтариб, пиёлаларга қўйди. Биттасини Дониёр акага узатди.

— Ҳамхонанг уйига кетганми?

— Йўқ, касалхонада ётибди.

— Нимага?

— Ҳозир ҳаммасини бир бошидан гапириб берарман, — чойдан номига бир хўллаб қўйиб секин гапида давом этди. — Ўшанда олдингизга борганимда Раъно тўғрисидаги шубҳаларингизни ҳеч ҳазм қилолмагандим. Тошкентга бирга кетган пайтимизда у шунчаки сармимий, очик бир қиз бўлиб кўринганди. Ростини, уни севиб қолган эканман. Ҳатто ҳозир ҳам у ҳақида ёмон хаёлларга боргим келмайди, лекин...

Жамшид билан бирга яшаб, бирга ўқийдиган, ҳам қадрдон жура-сига айланган қолган Ҳамид ойнага қараб сочларини хафсала билан тарар экан, унга гап қотди:

— Уйга кетмайсанми?

— Йўқ. Ўтган ҳафта бориб келдим-ку.

— Кетсанг, Жиззахга ташлаб ўтаман. Хўп, мен юрдим. Бозор кўни кечқурун келаман.

— Яхши бориб кел, — деди Жамшид эринчоқлик билан олдида турган журнални varaқлар экан. — Уйдагиларга салом деб қўй. Келишингда Самарқанднонидан олиб келиш эсингдан чиқмасин.

— Хўп, — Ҳамид энгашиб туфлисини кийди-да, унга қўлини силкиб чиқиб кетди.

Журнал varaқлаш жонига теккан Жамшид телевизорни қўйди. Лекин бирорта кўрсатув, ҳатто ўзи яхши кўрадиган филм ҳам унга ёқмади. Телевизорни ўчирди. Нимагадир кўз олдида ўша қизнинг сиймоси гавдаланаварарди. На дарс тайёрлашга, на бирор ишга қўли борди. Бир кўчага чиқиб, айланаб келмокчи бўлди-ю, бу ҳам ёқмай кароватига чўзилди.

Шу ётганча кўзи илинган экан, эшик кўнгиригининг жиринглаётганини элас-элас эшитиб, базур ўрнидан турди. Кўзларини ўқалай-ўқалай эшик томон юрди. Қишлоқдан акаларимдан битта-яримтаси келган бўлса керак дея хаёлидан ўтказди. Аммо эшикни очар экан хайратдан донг қотиб қолди. Унинг рўпарасида Раъно хотирасига муҳрланиб қолган ўша майин табассумини ҳадя этганча турарди.

Икки қўлида нималардир солинган салофан сумка. Шошиб қолган Жамшид унга анграйганча қараб қолди.

— Саломалайкум, яхшимисиз?

— Э, Раънохон, келинг.

— Мени кутмаганимдигиз?

— Тўғриси, ҳечам тасаввур қилмагандим. Ие, кечирасиз, хани ичкарига киринг.

Қиз унга мафтункор кўзларини сузганча олдинга қадам ташлади. Эғнидаги ҳарир матодан қизнинг қоматига мослаб тикилган қўйлак оппоқ елкаларини, бўлиқ сийналарини, ингичка белини манаман деб намойиш қилиб турарди. Жамшид қизни ичкарига бошлади.

Уртадаги столнинг икки томонидан жой олишди.

— Келинг, Раънохон. Тўғриси, келасиз деб ўйлаганим йўқ эди, — деди яна тақордан.

— Узр, безовта қилиб қўйдим шекилли. Бемаврид келмадимми ишқилиб?

— Йўқ-йўқ. Нимага бемаврид келаркансиз. Боя ҳамхонам уйига кетувди. Бир ўзим зерикчи ўтирувдим.

— Самарқандлик ҳамхонангизми?

— Ҳа. Менгаям айтди, уйга кетсанг Жиззахга ташлаб ўтаман деб. «Тико-си бор, айтувдим-ку. Лекин уйга кетгим келмади.

— Менинг ҳам омадим бор экан, — деди Раъно жилмайиб.

— Уни қаранг, агар журангиз билан кетганингизда овора бўларканман.

— Келишингизни кўнглим сезди-ёв, — деди Жамшид унинг хусни-жамолига суқланиб қарар экан.

— Ростини айтсам ишонмайсиз, ёлғиз қолсам бас, сиз эсимга тушасиз. Ҳамид кетгандан кейин ҳам ҳеч нима қилгим келмай, сизни ўйлаб ётгандим.

— Йўғ-э, — деди қиз, — ҳали бир кўришда севиб қолдим ҳам дерсиз?

— Узиям шунақага ўхшайди, бўлмаса сиз ҳақидаги бунчалик кўп ўйламаган бўлардим. Кечирасиз, Раъно, мени нотўғри тушулманг тани, нечук мени эслаб қолибсиз?

— Уйга кетмайсанми?

— Уйга кетмайсанми?

— Уйга кетмайсанми?

— Уйга кетмайсанми?

— Уйга кетмайсанми?

— Уйга кетмайсанми?

— Уйга кетмайсанми?

(Давоми кейинги сонда).

МУЛОҲАЗА

Бир кунни жудаёям ҳасадгўй ўтинчи сеҳргарга дуч келибди. Сеҳргар ўтинчининг учта тилагини бажаришини, бироқ сўраган нарсаси унинг ён кўшнисиди икки баробар кўп бўлишини ҳам айтибди. Ўтинчи шартга кўниб, биринчи тилак сифатида ҳашаматли уй сўрабди. Бир зумда унинг эски кулбаси ўрнида ҳашаматли уй пайдо бўлибди. Кўшнисининг уйи эса саройга айланибди. Ўтинчида одатдагидай ҳасад уйғонибди. Кейин «Мерседес» автомобиллини сўрабди. Ҳашаматли уй олдида «Мерседес» пайдо бўлибди. Сарой олдида эса иккита «Мерседес» турганимиш. Бу ҳолатни кўрган ўтинчининг ҳасади авж олибди. Учтинчи тилакка навбат келганида у ўйлай-ўйлай бир кўзи кўр бўлиб қолишини сўрабди...

кўпгина мамлакатлар уларнинг қаторидан жой олишга ҳаракат қилмоқда.

Йўқ, мақсадимиз сиёсий тузумларни таҳлил қилиш эмас. Бойлар ва камбағаллар ўртасидаги муносабатларда мана шу тузумларнинг ҳам ҳиссаси катта эканлиги сабабли улар ҳақида эслатиб ўтилди, холос. Вакт — олий ҳакам дейдилар. Ийлар

бўлмаган. Қадимда савдогар, ихтирочи ва олимлар бадавлат бўлган бўлса, ҳозир ҳам тадбиркор, ишбилармон ва яна ўша зийлилар бой ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги барқарор тузум шарофати билан ўз билими ва меҳнати эвазига бойиған кишилар бойлигини беркитишига асос қолмади. Ҳозир тадбиркорларимиз асос солаётган корхоналар, савдо маж-

мак шундай яшаб ўтаман деган фикрда умр кечиряшди. Айнан шу фикр кўпчиликка ҳаётда асил ўрнини топишига тўқсинлик қиларди.

Бандага хос яна бир нарсаси бировнинг пули, бойлигини ҳисоблашга бўлган қизиқишидир. Машҳур «Форбс» журнали ҳар йили дунёдаги энг бой инсонлар (миллиардерлар) рўйхатини эълон қилади. Чунки бутун дунё аҳли мана шу маълумотларни катта қизиқиш билан ўқийди.

Хуллас, шундай ғалати қизиқишларимиз баъзан бойларга нисбатан тўғиладиган ҳасад ва ўз ҳаётимизда ҳал қилиниши зарур бўлган масалаларни унутиб кўйишимизга сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрайлик. Боз устига яна юқорида келтирилган масала вужудга келади. Маънавий бойлик қадрлими ёки моддий? Юртимиз тинч экан, биз ҳам тинчимиз. Тинч мамлакат фуқароси сифатида бизда ўзимиз холаган билимни олиш, истаган касбни танлаш имконияти бор. Шунинг ўзи бизга ато этилган катта бойлик. Ийлар давомида шаклланиб келган бойларга нисбатан салбий муносабатга барҳам бериш вақти аллақачон келган. Бойликка эришиш доим инсоннинг ўзига боғлиқ. Ишбилармонлик, ташаббус ва ҳуқуқий маданият бунга асос бўла олади.

Нега унда бору менда йўқ қабилдаги тубан фикрлар бизни фақат чалғитибгина қолмай, балки баъзи номаъқул ишларни қилишимизга олиб келиш хавфи бор. Бир нарсани унутмайлик, кимдир кўз олдимизда жуда бойиб кетаётган бўлса, унга ҳасад билан эмас, ҳавас билан қараш керак. Худо бизга ҳам худди шундай रिққ ажратган, уни тершига қиришайлик. Шунда жамиятимизда бойлар кўпаяди. Қолаверса, маънавий бойликка интилайлик. Зеро, маънавиятсиз инсон моддий бойликни бошқара олмайди.



Ушбу ҳазилнамо ва бироз кўполроқ латифани эшитган бўлсангиз керак. Ҳар бир ҳазилнинг ортида озгина чини бўлади дейишди. Мазкур латифадаги ҳақиқат эса баъзи инсонларда ҳасад шу қадар кучли бўлишидир. Нега инсон ҳасад қилади? Бу иллат унда туғма бўладими ёки кейинроқ вужудга келадими?

Тарихдан маълумки, одамларда меҳнат қилиш қобилияти пайдо бўлиши билан меҳнати ортидан фойда олиш тушунчаси ҳам шакллана бошлаган. Тангри барчамизга रिққ бирдай ажратган бўлса-да, бироқ уни топиш ҳаммининг ўзига боғлиқ. Меҳнатқаш инсон ҳеч замон хор бўлмайди. Шу ҳолатнинг ўзи ҳам меҳнатқаш ва дангаса каби тушунчаларни вужудга келтирган бўлса ажаб эмас. Мана шу жараён кишиларни бой, ўртаҳол ва камбағал каби қатламларга ажратади. Кўриб турганимиздай инсон ўзининг қайси қатламга мансуб эканини ҳаёти давомида ўзи белгилайди. Бироқ шу ўринда яна бир нарсани унутмаслик жоиз. Биз кишиларга баҳо бера туриб қайси қатламга-мансуб эканлиги ҳақида фикр юритганда кўпроқ унинг моддий бойлигини назарда тутамиз. Аслида эса кишининг маънавий бойлиги устунроқ эканини инкор этишга ҳаққимиз йўқ.

Мозийга назар солсак, бой ва камбағал тушунчаси ҳамда уларнинг ўртасидаги муносабатлар жуда қизиқ кечган. Бугун эса бу ҳолат янада қизиқроқ тус олган.

Негадир кўпгина асарлар, риовят ва эртақларда бойлар салбий қиёфада кўрсатилади. Масалани ойдинлик киритиши мумкин бўлган бир сабаб бор. Мисол учун барчамизга яхши маълум бўлган қахрамон Робин Гудни олайлик. У бойларнинг молмулкни талон-тарож қилиб, камбағалларга улашган. Бу каби қахрамонлар деярли барча халқларда мавжуд. Айнан мана шу жойда уларнинг қахрамонлиги нисбий тушунчага айланади. Чунки улар фақатгина камбағаллар учун қахрамон. Бойлар учун эса ёвуз босқинчи, холос. Лекин ўша даврларда инсон ҳуқуқлари, барчанинг тенг ҳуқуқлиги, демократия каби тушунчалар бўлмаган. Шу сабабли кимдир кимгадир хизмат қилган ва шу жараёнда бир тараф иккинчи тарафининг меҳнати ҳисобига бойиған. Албатта, бундай пайтда бойларга нисбатан нафратдан бошқа туйғунинг шаклланиши қийин. Ийлар ўтиб кўндолик, бировга қарамлик каби тушунчалар бутун дунёда барҳам топди. Энди бойлардан тортиб олиб, камбағалларга улашадиган қахрамонлар жамият учун фақатгина эртак қахрамони сифатида керак эди, холос. Бироқ бунинг бутун дунё бирдай тан олмади. Масалан, бизда «эртак»нинг янги кўриниши талқин қилина бошлагани. Унинг номи «Коммунизм» эди. Балки мана шу ғоя илгари сурилган даврда яшаган кишиларга

коммунизмни эртак деб аташимиз ёқмас? Лекин ўзингиз ўйлаб кўринг, жамиятда ҳамма моддий жиҳатдан тенг яшаса, пул деган тушунча бўлмаса, дўконлардан барча ўзи хоҳлаган нарсани олса (харид қилмаса эмас), унда ҳаётда бирон-бир мақсадга эришиш тушунчаси инсонда қай даражада шакллана экан? Қизиғи шундаки, ўшанда «капитализм» деб номланиб, бизга қоралаб кўрсатилган давлатларда ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Аксинча, бугунга келиб уларнинг танлаган йўли тўғри деб тан олинапти. Энди улар ривожланган давлатлар деб аталади ва

ўтиб коммунистик тузум барҳам топди. Фикр-чи, жамиятнинг бойлар ҳақидаги фикри ўзгардими? Менимча, деярли ўзгаргани йўқ. Устига-устак, етмиш йил ўзининг юларини сингдириб келган тузум бу жараёнга шу қадар катта эътибор берар эдики, барча нарсаларда, ҳатто эртакларда ҳам бойлар янада ёвуз қиёфада тасвирланарди. Тўғри-да, жамият аъзосида бойларга нисбатан ўзгача фикр уйғотиш керак экан, бунга кишини ёшлигиданоқ тарбиялаш лозим.

Аслида эса ҳеч бир замонда ўқимаган, саводсиз одам бой

муалари, ресторан ва шу каби бошқа иншоотлар чет элликдан кўп ҳам қолишмайди. Қолаверса, кўчаларимиздаги қимматбаҳо автомобилларга назар солайлик. Уларнинг баъзиларини харид қилишни ҳатто шу машинани ишлаб чиқарган мамлакат фуқаролари ҳам орзу қилишади. Бироқ гап бунда эмас, асосий масала шундаки, бойларга кўпчилик ҳавас билан қарайдими ёки ҳасад биланими? Бу борада, афсуски, ҳасад билан қарайдиганлар йўқ деб айта олмайми. Уларнинг энг катта фожаси шундаки, улар мен камбағал бўлиб дунёга келдимми, де-

Миллиардлар эгалари

«Форбс» журнали томонидан 2004 йилда тузилган дунёдаги энг бой кишилар рўйхатида ўзига хос ўзгаришларни кузатиш мумкин. Сўнгги йилда дунё миллиардерларининг умумий капитал 0,5 триллиондан 1,9 триллион долларгача ошди. Бу борада энг омадли миллиардер сифатида Уоррен Баффетти кўрсатиш мумкин. У 2004 йилда бойлигини 12,4 млрд.га оширишга муяссар бўлди. Эндиликда у дунёдаги энг бой киши бўлиш Билл Гейтсга етиб олиши учун бир неча млрд. доллар топса бўлди. «Форбс» журналы яна шунинг маълум қиладики, 2004 йилда миллиардерлар сони 587 кишини ташкил қилган. Бу миллиардерлар рейтингига тарихдаги рекорд кўрсатгичдир. Мазкур йилда миллиардерлар қаторини яна 64 киши тўлдирди. «Форбс»нинг рўйхатига назар солидиган бўлсак, биринчи ўринни хали ҳам 46,6 млрд. долларга тенг бойлик эгаси, 48 ёшли Билл Гейтс (АҚШ) эгаллаб турибди. Иккинчи ўрин эгаси 73 ёшли Уоррен Баффетт (АҚШ). Унинг бойлиги — 42,9 млрд. доллар. Учтинчи ўрин германиялик 84 ёшли Карл Албрехтга тегишли. «Aldi» савдо тармоғи асоссизининг бойлиги 23 млрд. долларни ташкил қилади. Ушбу савдо тармоғининг 6500 дан зиёд дўкон ва супермаркетлари мавжуд.

Тўртинчи ўринда 21,5 млрд. доллар билан 47 ёшли шахзода бин Талал ал-Сауд (Саудия Арабистони) турибди. «Майкрософт» компаниясининг ишлари бўйича Билл Гейтснинг ҳамкасби, 51 ёшли Пол Аллен (АҚШ) бешинчи ўринни эгаллаган. Унинг бойлиги 21 млрд. долларга тенг.

Олтинчи ўринни «Уол-Март» тармоғининг асосчиси Сэм Уолтоннинг 55 ёшли қизи Элис Уолтон (АҚШ) 20 млрд. долларга тенг бойлиги билан эгаллаб турибди. Бир неча йил илгари

Элис бир кун қамоқ ва кўшимча 925 доллар миқдорда жарима билан жазоланган. Миллиардер хоним маст ҳолда шахсий лимузинини бошқара олмай ўзининг почта қутисини уриб юзориб, тўқнашув натижасида бурнини ҳам синдириб олган. Воқеадан хабар топган полициячилар тезда етиб келишган ва Элисга кон таркибидagi алкоголь миқдорини аниқлаш учун анализ топширишни буюришган. Элис бундай қилишдан бош тортган, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, автомобил бошқариш гувоҳномаси ярим йил муддатга олиб қўйилган. Суд айбланувчининг аёл киши эканини ҳисобга олиб қилиши учун 350 ва суд мажлисига келмаганлиги учун 300 доллар жарима тўлашни тақлиф этган. Бу тақлифни ҳам рад этган Элис энг машҳур адвокатларни ёллаб ишда қолиб бўлишига ишонган. Лекин адолат олдида унинг миллиардерлиги ҳам, машҳур адвокатлар ҳам «фойда» бермади.

Еттинчи ўринни эса эркатой қизинг онаси ҳамда Сэм Уолтоннинг беваси, 84 ёшли Хелен Уолтон (АҚШ) 20 млрд. доллар маблағи билан эгаллаб турибди.

Кейинги ўринлар ҳам Уолтонларга тегишли. 56 ёшли Жим Уолтон, 58 ёшли Жон Уолтон, 60 ёшли Робсон Уолтонларнинг ҳар бири 20 млрд. долларлик бойлиги билан саккизинчи, тўққинчи ва унинг ичунда боришапти.

Шу ўринда яна бир эътиборли ҳолат. Улиқдан ўрин олган миллиардерларнинг биринчи беш нафари кўзойнақ тақадди. Қолган бештаси эса йўқ.

Қолган ўн таланики қисқача таништириб ўтамиз.

12-ўрин — Лауренс Элиссон, 59 ёшда, 18,7 млрд. доллар (АҚШ).

13-ўрин — Ингар Кампрад, 77 ёшда, 18,5 млрд. доллар (Швеция).

14-ўрин — Тео Албрехт, 81 ёшда, 18,1 млрд. доллар (Германия).

15-ўрин — Кеннет Томпсон, 80 ёшда, 17,2 млрд. доллар (Канада).

16-ўрин — Михаил Ходорковский, 40 ёшда, 15 млрд. доллар (Россия).

17-ўрин — Карлос Слим Хелу, 64 ёшда, 13,9 млрд. доллар (Мексика).

18-ўрин — Майкл Делл, 57 ёшда, 13 млрд. доллар (АҚШ).

19-ўрин — Стивен Балмер, 47 ёшда, 12,4 млрд. доллар (АҚШ).

20-ўрин — Ли Ка-Шинг, 75 ёшда, 12,3 млрд. доллар (Гонконг).

Бу рўйхатнинг давомида россияликлар ҳам муносиб ўрин эгаллашган. Чунки «Форбс» журналининг маълумотларига қараганда, миллиардерлар сони бўйича Россия АҚШ ва Германиядан кейин учинчи ўринни эгаллаб турибди. Россияда миллиардерлар сони тез суръатда ошиб бормоқда. 2003 йили Россиядаги миллиардерлар сони еттитадан ўн еттитагача ошган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 25 тани ташкил қилади. Москва миллиардерлар сони бўйича дунёда иккинчи ўринни эгаллаган пойтахтлар. Унда 23 нафар миллиардер истеъмат қилади. Нью-Йоркда 31 та, Гонконгда 16 та, Парижда эса 10 та миллиардер бор.

11-ўрин — Лилиан Беттенкур, 81 ёшда, 18,8

Саҳияти Жаҳонгир МАХСУМОВ тайёрлади

BUGUNNING GARI

Балки орангизда ушбу сўзларни айтиб, ютук қувончини барчанмиз билан ўртоқлашган инсонларнинг қариндоши ёки танишлари ҳам бордир ёки ўзингиз лотерея орқали ютукқа эришгандирсиз?! Очиги мен ҳали шундай танишим бор деб, айта олмаيمان. Нима бўлганда ҳам лотереялар ҳақида турли гап-сўзлар кўпайиб бормоқда. Тўғрида, ким 500 сўмга бир неча баробар қимматроқ ютук эгасига айланишни хоҳламайди?! Бу борда лотереялар катта имконият яратмоқда. Мисол учун агар рақамларни тўғри топсак, бир зумда миллионермиз. Ёки 500 сўмга битта автомобил. Ҳатто 500 сўмга бирданига бир неча машинанинг эгаси бўлишимиз мумкин. Олтин балиқ ҳақидаги эртак ҳақиқатга айланмоқда, гўё. Фақат бунинг учун балиқ овлашнинг кераги йўқ. Лотерея сотиб олсангиз ва сизга

деган маъно англатади. Бу сўзни янада оддийроқ қилиб тақдир омади деб тушунас ҳам бўлади. Лотерея куръа ёрдамида бирон бир нарсани (пул ёки буюм) аҳолининг маълум бир гуруҳи ўртасида тақсимлаш системаси ёхуд методикасини акс эттиради. Лотереянинг ҳар қандай кўриниши одатда кўпчилик томонидан ютукқа эришиш мақсадида лотерея билети деб аталмиш имкониятни сотиб олиш билан ифодаланадиган қимор тури-

ган) кам таъминланганларга ёрдам бериш мақсадида 1466 йил 24 февралда Брюгге шаҳрида ўтказилган. Уни машҳур расом Ян Ван-Эйкнинг рафиқаси ташкиллаштирган.

Бугунги кунда умумдавлат лотерея уйинлари ўтказиладиган мамлакатлар кўпчиликини ташкил қилади ва бу уйинлар ҳеч қандай диний қарашлар ҳамда географик жойлашувлар билан чекланмайди. Австралия давлат миқёсида ўтказила-

бора ривожланиб бораётган лотереяларнинг таъсисчилари фойдани шунга ўхшаш бирон бир хайрли ишга сарфлашни режалаштиришганмикин? Ҳозирча бу савол юзасидан фикр билдириш ўрнига маъноли кулиб кўямиз, холос. Бироқ ажаб эмас яқин келажақда машҳур лотереяларимиздан бири бирор катта ижтимоий лойиҳани молиялаштиришни мақсад қилса.

XVI асрда ҳарбий кампания (San. Francios I) жараёнида лотерея Ита-

этилганди.

Тарихда лотереялар фақат хайрли мақсадларда ташкиллаштирилган, десак ҳам хато бўлади. Ўша даврларда ҳам ютукларни фирморлик асосида тақсимлаш учраб турган. Масалан, XVII асрда қирол Людовик XIV ўша пайтдаги машҳур лотереянинг асосий ютуғи 100 минг франки ўзлаштирган. Қолган иккита асосий ютук ҳам худди шундай «адолат» ила қиролнинг рафиқаси ва меросхўри ўртасида тақсимланган. Бу ҳолдан халқнинг газаби шу даражада кучайгандики, қирол ютукларни қайтаришга ва уйинни қайтадан ўтказишга мажбур бўлган. Балки ўша даврда оталарнинг ўғилларига қуйдаги ўзинга хос насихати дунёга келгандир: «Болам, ҳеч қачон давлат билан қимор уйнама».

Буюкбританияда кенг қамровли биринчи лотерея уйинлари қирол Элизавета I томонидан ўтказилиб, ундан тушган маблағ жанубий инглиз портларини таъмирлашга сарфлашни кўзланган. Асосий ютук 17500 долларни ташкил қилган лотереянинг 400 мингта билети сотилган. Бироқ халқ бу уйинда катта сарф-харажатга ботиб кетгани учун кўзғолон кўтарган.

Қуруқликдаги олтин балиқлар



ЁХУД МИЛЛИОНЕРЛИККА ЧИПТА

«Мен бозордан лотерея сотиб олиб музлатгич ютдим», «Иккита лотерея олгандим. Биттасига машина чиқди», «Мана 500 сўмга лотерея сотиб олиб «Матиз» эгасига айландим», «Сиз ҳам уйинанг албатта ютасиз».

Охири пайтда ойна жаҳон орқали шу ва шунга ўхшаш ибораларни кўплаб учратмоқдамиз. 500 сўмга лотерея сотиб олиб электр чойнак ютиб олган киши ўзини бутун республикага танитиши мумкин бўлган даврда яшаймиз.

дир. Куръа о р қ а л и мулкни тақс и м л а ш амалиётининг тари-

диган лотереяларнинг беланчаги ҳисобланади. Ушбу қитъада XVIII асрдан бери турли оммавий лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида лотерея уйинлари ўтказилиб келинмоқда.

АҚШ асосчиларидан бири Томас Жефферсон шундай деганди: «Лотерея — бу ўзига хос солиқ. Бу солиқнинг ихтиёрий тўловчиси эса ўзига айтарли зарар етказмаган ҳолда кичик харажат эвазига катта ютукқа эга бўлиш мақсадида лотерея билетини сотиб олган кишидир».

Айнан мана шу «солиқ» эвазига, аниқроғи ундан тушган даромадга дунёга машҳур Гарвард, Йель, Принстон каби университетлар қурилган. Британия музейининг қурилиши ҳам лотереядан тушган фойда эвазига молиялаштирилган. АҚШнинг Жоржия штатида барча лотереялардан тушган даромад аълочи талабаларни ўқитиш ва уларнинг ўқилиши билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларга сарфланади. Кўриб турганингиздай бу жараёнда ҳар бир шахс ва давлатнинг маффаатлари эътиборда. Қизик, бизда то-

лиядан Францияга импорт қилинди. Франциядаги биринчи давлат лотереяси 1539 йилда таъсис этилиб, «Blancue» деб номланди. Фактларда кўрсатилишича, XVIII асрда лотерея европада жуда машҳур бўлиб кетди. 1776 йилда қирол Луи XV Францияда «Loterie Royale» номли лотереяни таъсис этди. Мазкур давлат лотереясининг чиқиси билан Франциядаги бошқа барча лотереялар ноксонуний деб эълон қилиниб, уларнинг фаолияти тақиқланди. Фаолият кўрсатаётган ягона лотереядан келган тушум мамлакат қарзларини қоплашга қаратилди. Қирол бу билан ўзига хос монополияни яратди. Мазкур ташкилот илгари амалда бўлган «Loterie Nationale»нинг давомчиси бўлиб, аввалига лотерея госяниси аҳолининг паст табақасига тарғиб қилди. Кейин лотереялар тақиқланди, сўнг яна руҳсат этилиди. Сабаби аввалига лотерея замонавий давлатнинг молиявий аҳолини яхшилаш учун нолийқ восита, деб қабул қилинди. Кейин эса бунинг акси, яъни давлат газнасини бойитиш учун эътибор фойдали восита сифатида эътироф

1976 йилда Францияда лотерея яна пайдо бўлиши (Германияда 1953 йилдан, собиқ СССРда 1970 йилдан) жуда омадли кечди. Мутлақ ҳақиқат шундаки, киши лотерея билетини сотиб олиб ўзига хос қиморнинг иштирокчисига айланади. Қиморга тикилган маблағга кишининг ачинамаслиғи сабаб у бу пулни ҳаётини янада яхшилаш мақсадида сарф қилганидир. Кичик маблағ эвазига катта ютукқа эришиш имконияти лотереянинг омма орасида кенг тарқалишига олиб келади. Шу жиҳатлари тўғрисида ҳам лотерея турли мамлакатларда ҳар хил кўринишда кенг тарқалган.

Ҳеч қандай шубҳасиз бир нарсани айтиш мумкин. Лотерея — кундалик ташвишлардан бир зумга холи бўлиб, яна ҳам гўзалроқ ҳаёт ҳақидаги фантазияларга кўмилиш имкониятини берувчи ҳолатни акс эттиради. Баъзиларда эса бу фантазия ҳақиқатга айланади.

Ж. МАХСУМОВ
тайёрлади

омад кулиб бокса бас.

Инсон психологияси шундай ўзи. Бирон бир нарсани асл баҳосидан арзонроққа сотиб олишга бўлган иштиёқ барчамизда бирдай ривожланган десак, хато бўлмайди. 500 сўм (ҳозирда аксарият лотерея чипталарининг нархи айнан шундай) эвазига замонавий кир ювиш машинасини кўлга киритиш у ёқда турсин худди шу пулга аслида минг сўм нарҳади буюмни сотиб олиш қанчалик ёқимли-а?! Инсонга хос ушбу хислатлардан фойдаланиш ҳам худди шундай жуда ёқимли ва ҳамёнбондир.

Ўзи умуман лотерея қачон келиб чиққан, тарихида уни тарқатишдан мақсад нима бўлган? Айнан мана шу саволларга қисман жавоб топиш ниятида манбаларга мурожаат қилдик.

Лотерея сўзи италиянча «lotto» сўзидан олинган бўлиб, «тақдир»

чи антик даврларга бориб тақалади. Рим императорлари Нерон ва Август саройларнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳолини тегишли кўринишда сақлаш мақсадида халқ уйинлари пайтда лотереядан фойдаланишган. Илк лотерея ҳақидаги аниқ маълумот V асрларга тегишли. Ўша даврда Бургундия ва Бельгияда шаҳарларнинг муҳофаа кучларини мустаҳкамлаш ҳамда камбағалларга ёрдам бериш учун маблағ тўплаш мақсадида лотерея ташкил қилинган. Ютук нақд пул кўринишида берилган биринчи машҳур ва кенг қамровли лотерея «De lotto de Firenze» 1530 йилда Флоренцияда таъсис этилиб, Италия шаҳарларида тарқатилган. Манбаларда яна бошқа бир маълумот ҳам учрайди. Тарихдаги биринчи машҳур лотерея (айнан билетларнинг сотуви ва ютукларнинг аниқ қиймати ҳамда баҳоси белгилан-

TAKLIF

Ўзини, ўзлигини танишни истаган инсон борки, илмга, ўқиб-ўрганишга интилади. Бу йилда тинимсиз изланади, сон-саноксиз китобларни мўталаға қилиб, не-не тунларни бедор ўтказайди.

Маълумки, олий маълумот олган инсон илмий иш қилмоқчи бўлса, илмий кенгаш билан маслаҳатлашиб, бирорта мавзуну танлайди. Унга раҳбар тайинланади. Илмий иш қилишдан асосий мақсад — тадқиқот олиб бориб, фанга бирор янгилик киритишдир. Вақт ўтиб, ўша инсон илмий ишини ҳимоя қилиб, бунга эришиди ҳам дейлик. Унга фан номзоди (техника фанлари номзоди, юридик фанлари номзоди ва Ҳ. д.) деган илмий даража берилади. Каминанинг мулоҳазалари айнан шу илмий даражанинг аталиши ҳақида.

«Фан номзоди» нимага номзод?

Авалло шу атама ҳақида мулоҳаза юритиб кўрсак. Уйлашимча, бу атама рус тилидан сўзмасуз таржима қилинган. Қолаверса, агар аҳақим-я берадиган бўлсак, ҳозирги кунда фан номзоди илмий даражасига эга бўлган шахс, фан докторлигига номзод ҳисобланади. Фан номзоди дегани эса мантқан тўғри эмас. Сабаби, у докторликка эмас, балки фанга номзодлик қилмоқда. Бунақада иккинчи ҳимоядан кейин унга «фан доктори» эмас, балки «фан» деган илмий даражани бериш керак бўлади.

Янада тушунарлироқ бўлиши учун яна мисолларга мурожаат қилсак. Масалан, русларда «мастер спорта» ва «кандидат в мастера спорта» деган атамалар бизда «спорт устаси» ва «спорт усталигига номзод» деб тўғри ишлатилади. Еки футболни оладиган бўлсак: «терма жамоа аъзоси» ҳамда «терма жамоа аъзоллигига номзод» деб аталади.

Юқоридakilардан ҳам кўриниб турибдики, демак, фан соҳасидаги бу илмий даража «фан докторлигига номзод» деб (масалан, техника фанлари докторлигига номзод, юридик фанлари докторлигига номзод каби) аталса тўғрироқ бўларди.

Фафуржон АЛИМОВ

Моҳият

Ер юзиде шундай яшашга уринки, топган пулинг фақат тўғрилик орқали келган бўлсин!

Абдибек ШЕРОЗИЙ

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин!

Тошкент вилот прокуратураси жамоаси Зангиота туман прокурорининг катта ёрдамчиси Васила Тошхўжаевага уқаси

Орифжон ТОШХЎЖАЕВнинг бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

НУҚУҚ
yuridik gazeta

Та'сисчи:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Abdusolliq ABDURAZZOQOV

Tahririyat hay'ati:

Bahriddin VALIYEV, Abduhalim XOLMAHMATOV, Pirimqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), G'afurjon ALLIMOV (mas'ul ko'rib yuzasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@nuquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «NUQUQ» dan olinganligi ko'rsatishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma G — 62. 16765 nusxada chop etiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «NUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: J. MAKSUMOV
Musahhhil: A. MUSTAFOYEV

Gazeta «Sharq» NMK boshqarasida ofset usulida chop etiladi. Korxonaning manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirish: 17.30, 12.34.5 78

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda